Шу азиз Ватан — барчамизникидир!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 1995 йил, 17 ноябрь • №46 (240)

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишларида фаол иштирок этганликлари учун ички ишлар идоралари ходимларидан катта гуруҳи «Жасорат» медали ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига мувофиқ Баҳодир Маҳситов республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

Собиржон Собитович Рўзиев Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитасининг президенти этиб сайланганлиги сабабли республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси вазифасидан озод этилди.

● **11 ноябрь куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто ўртасида аэропортданоқ бошланган мулоқот Президент саройида давом этди. Унда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.**

— Учрашувимиздан асосий мақсад — минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, қўшни Афғонистонда давом этаётган биродаркушлик урушини тўхтатиш ва Афғонистоннинг тинч ва барқарор ўлкага айланишига кўмаклашиш, шу билан бирга, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги коммуникация ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги масалаларни муҳокама этишдир, — деди мамлакатимиз раҳбари.

● Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов шу йил 14 ноябрь куни Германия Федератив Республикасининг Штутгарт шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Германия, шунингдек, Баден-Вюртенберг ери байроқлари билан безатилган Штутгарт аэропортида юксак мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меъморлик-конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом ал-Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбари «АББ» концерни раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Сўнг ўзбекистонлик меҳмонлар «Янги қаср» қароргоҳига йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов Баден-Вюртенберг ери бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз раҳбари оламга машҳур «Саламандер» концерни раҳбарларини қабул қилиб, уларга мамлакатимизда хорижий ишбилармонларга яратилган қулай шароитлар ҳақида гапириб берди. Юртбошимиз «Даймлер Бенц» концерни қароргоҳида бўлган чоғида олиб борилган музокаралар натижасида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер Бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим имзоланди. «Линден-музей» — Баден-Вюртенберг ерининг энг нуфузли маданий марказидир. Бу ерда «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамроҳлигида қадим тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмани кўздан кечирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга расмий ташрифи унинг пойтахти Бонн шаҳрида давом этди.

Биржа янгиликлари

Республика кўчмас мулк биржасида ўтган ҳафта давомида вилоятлардаги бўлимлар билан биргаликда 11 та кимошди савдоси ва танловлар ўтказилди. Унда тадбиркор ва сармоядорларга савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, ер участкалари, турли русумдаги автомашиналар, ёқилғи қуйиш шохобчалари, қурилиши тугалланмаган иншоот, 24 савдо дўконлари, 8 та хизмат кўрсатиш шохобчалари сотилди.

Автомобилларнинг нархи 211 минг сўмдан то 661 минг сўмгача кўтарилди. Жаъми иншоотларнинг бошланғич нархи 8 миллион 512 минг сўм бўлса, улар сотилганда 15 миллион 469 минг сўмни ташкил этди.

* * *

Республика мол-хомашё биржасида 9—10 ноябрь кунлари машинасозлик, станоксозлик маҳсулотларини намойиш этувчи очиқ ярмарка ва биржа савдолари бўлиб ўтди.

Унда Чехиянинг совутгич асбоб-ускуналари, Болгариянинг кичик ҳажмдаги юк кўтаргич машиналари, шунингдек ўзимизда ишлаб чиқарилган 50 хилдан кўпроқ маҳсулотлар савдога қўйилди. Натижада 70 тадан ортиқроқ шартномалар тузилди. 50 миллион сўмлик савдо амалга оширилди.

* * *

Республика агросаноат биржасида 10 ноябрь куни кимошди савдоси бўлди. Харидорларга 690 хилдан кўпроқ мол ва хомашёлар таклиф этилди. Савдога сабзавот уруғлари, пилла, қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ишчи кийимлари, суньий материалдан тикилган қоплар, иссиқлик берувчи махсус ички кийимлар, Қорабайир чавандоз отлари, зотли тойчоқлар ва тирик вазндаги қўйлар савдога қўйилди.

Қўйларнинг ўртача оғирлиги 30 кг бўлиб, баҳоси — 800 сўм, тойчоқ ва отларнинг нархлари эса 45000 сўмдан 100000 сўмгача белгиланди.

Савдо битимларининг қиймати 98150 сўмни ташкил этди.



Жиззах вилояти, Дўстлик туманидаги Дўстлик ижара ширкатлари уюшмаларининг заҳматкаш деҳқонлари бу йил 3660 гектар пахта майдонидан 102 фоиз ҳосил етиштириб бериш учун бел боғлашган эдилар.

Бу саъий ҳаракатларга ўз ҳиссаларини нафақат деҳқонлар, балки шаҳарлик фидоий ҳашарчилар ҳам баҳоли қудрат ўз ҳисса ва ёрдамларини қўшдилар.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Енгиндан сақлаш олий техник мактабининг ўқувчилари уларга яшаш, ишлаш ва дам олиш учун яхши шароитлар яратиб берган ширкатлар уюшмаси раиси Суннатилла Эргашевдан мамнунлар.

Суратда: С.Эргашев ва бир гуруҳ ҳашарчилар.
Шоназар Иброҳимов туширган сурат.

НАМАНГАН вилоятидаги корхона ва ташкилотларида республика иқтисодини мустаҳкамлаш юзасидан хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Мингбулоқ тумани умумий овқатланиш корхонаси ҳам ўз фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириб бораяпти. Бу ерда бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Яқинда яна бир янги маҳсулот тайёрлашга киришилди. Қандолатчилик цехида новвот ишлаб чиқарила бошланди.

Савдо тармоқларига жўнатилган маҳсулотнинг дастлабки туркуми қисқа вақт ичидаёқ сотилиб бўлди. Бунинг сифати харидорга маъқул келаётганидан далолатдир.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тошкент шаҳридаги «Ватан диёри» номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти курси, юмшоқ мебелларнинг уч-тўрт хилини ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Мазкур жамиятда 500 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қиладилар.

Усталардан Гофир Мирзаев, Ҳасан Юсуповлар кўплаб шогирдлар тарбиялашаяпти. Илғор ишчиларга имтиёзли акциялар берилмоқда.

— Жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Олимжон Худоёров. — Улар махсус кийим-бош, бепул сут билан таъминланадилар. Арзон қийматли таомлар билан савдо қилувчи ошхоналар ишчилар хизматида. Шунингдек, турли сиҳатгоҳларда дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар ҳам бериб борилади. Кам таъминланган оилаларга, нафақага кузатилаётган ва муҳтож ишчиларга моддий ёрдам берилмоқда.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги турмуш қураётган ёш оилаларга корхона маҳсулотлари маълум муддатга қарзга берилади. Корхонада жамоа шартномасининг ижроси ҳам диққат марказида.

«Ватан диёри» тайёрлаётган маҳсулотлар харидорларга манзур.

«Ишонч» мухбири.

Иқтисодиёт хабарлари

Ижтимоий муҳофаза ва ҳамкорлик

Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимова билан мулоқот

— Сиз раҳбарлик қилаётган туманда аҳоли бошқа жойларга нисбатан зич жойлашган. Бинобарин, бу ҳар бир меҳнаткаш ҳақида, уларнинг фойдали ижтимоий меҳнат билан шуғулланиши ҳақида жиддий қайғуришни талаб этади. Аслида бу энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири. Ана шу соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашсак.

— Аввало ҳар бир ишда режа, аниқ мақсад бўлиши керак. Айни пайтда биз ана шундай аниқ мақсад билан ўз фаолиятимизни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига мослаб олиб бораяпмиз. Республикамиз Президенти ва ҳукуматимиз белгилаб берган бу йўлдан оғишмай бориш, ҳар бир фармон ва қарорни изчил амалга ошириш, сиз айтган ижтимоий муаммоларни ечишнинг бирдан-бир калити дейиш мумкин. Ана шу асосда меҳнат қилишимиз туман меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини ҳар томонлама ўстиришга хизмат қилаяпти. Чунончи, 1994 йилда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур моддий ва маънавий турмуш шароитини яратиб бериш, қишлоқда саноатни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринларини яратиш борасида жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 31350 квадрат метр ҳажмдаги уй-жой, 2046 ўринга мўлжалланган 5 та замонавий мактаб биноси, 375 ўринли болалар боғчаси, 150 ўринли касалхона, 14 та маданий маскан, 53 та савдо дуконлари, 4 та тегирмон, консерва заводи, 3 та вино заводи ва 100 дан ортиқ бошқа турдаги маданий, маиший, савдо иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек йилига 1 миллион дона чинни буюмлари ишлаб чиқарадиган чинни заводи филиали, озиқ-овқат комбинати, қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Ушбу йўналишдаги ишлар жорий йилда ҳам жадал олиб борилаяпти. Ҳозирги кунда «Заршод», «Мадина», «Тоҳирий», «Конигул», «Ҳамро», «Ишонч» фирмаларининг тикувчилик цехлари ишлаб турибди. «Парвона» фирмасида маҳсулотнинг янги турлари: голланд пишлоғи, шоколадли сариёг ишлаб чиқарилаяпти. Хуллас, қишлоқда саноатни ривожлантириш, янги иншоотлар барпо этиш замирида биринчи галда қишлоқ аҳолисини фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этиш масаласи ётибди. Бизда эса бу борада қилинаётган ишлар кулами кенг.

— Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса муҳим. Кўп болали оилалар, меҳнат қобилиятини йўқотган кишилар, ногиронлар кўп. Президентимиз ана шундай кам даромадли оилалар ҳамда шу тоифага кирувчи кишиларга ғамхўрликни кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Туманда айнан шу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозирги пайтда туман ҳудудида 21 минг нафардан ортиқ нафақахур истиқомат қилади. Улар асосан уруш ва меҳнат ногиронлари, фахрийлари, кўп болали оналардир. Бундай оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш туман ҳокимининг биринчи галги ишларидан. Ўтган йили шу тоифадаги фуқароларга оталиқ ташкилотлари томонидан 23 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 25 млн. сўмлик озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари бепул тарқатилди. Шу даврда туман ҳокимлиги маҳаллий бюджет ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 4,5 млн. сўм, бахтсиз ҳодисалар оқибатида қийин иқтисодий аҳволга тушганларга 1,5 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатди.

13 нафар биринчи гуруҳ ногиронига чет элда ишлаб чиқарилган аравачалар олиб берилди. Фақаттина 1995 йилнинг ўзида 8 нафар даволаниш учун хориж ва ҳамдўстлик мамлакатларига юборилди. 1500 кишига саломатлигини тиклаш учун санаторийларга йўлланмалар берилди. Шу мақсадда ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан 3 миллион сўм харажат қилинди. Халқаро қариялар куни муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан 720 ногиронга ҳар бирига 300 сўмдан моддий ёрдам берилди. 12 нафар ногиронга турмуш тарзини яхшилаш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 25 минг сўм маблағ ажратилди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронларга бепул дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари бериб туриш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида 300 та кам таъминланган оилага 2 миллион 750 минг сўмлик маблағ ажратилди. Бундай шароитда кўп болали оилалар, меҳнат қобилиятини йўқотганларга биринчи галда ғамхўрлик кўрсатиляпти.

Шунингдек, кўп болали оилаларнинг ишга яроқли аъзоларини иложи борича ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга ҳаракат қилаяпмиз. Албатта, бундай шароитда қишлоқларда очилаётган саноат корхоналари, хусусий фирмалар ва корхоналар қўл келаяпти. Республика Президенти фармонлари асосида қилинаётган ишлар қулами ниҳоятда кенг. Айниқса якка тартибда уй-жой қурилишига эътибор катта. Шу йилнинг ўзида 3500 нафар кишига 290 гектар ер участкаси ажратилди. Кўп болали оилалар ва меҳнат қобилиятини йўқотганлар учун уй-жой қуришда ҳам алоҳида имтиёзлар берилди.

Туманда 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 125 та маҳалла қўмитаси мавжуд. Уларнинг барчасида кам таъминланган оилалар аҳволини ўрганиш дуруст йўлга қўйилган. Бу хусусда махсус фармойиш қабул қилинган. Унга асосан жойларда қабуллар ўтказилиб, уруш ва меҳнат ногиронлари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз қариялар, бева-бечораларнинг турмуш тарзи ўрганилянти. Йилнинг дастлабки 5 ойида 27371 та шундай оилага 7 млн. 195 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

— Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг собиқ Иттифоқда КПСС тазйиқида бўлган касаба уюшмалари фаолияти, мазмун ва моҳияти ҳам тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш муносабатлари янги шаклларга кўчди. Хусусий мулкчилик, деҳқон фермер хўжаликлари қарор топди. Шу муносабат билан ортиқча ишчи кучларининг четга чиқиб қолиши табиий бир ҳол. Ана шундай кишиларни янги иш билан таъминлаш борасида туман ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари қандай чора-тадбирлар кўраяпти?

— Тўғри, янгича шароитда, янгича шаклда иш юритиш, хоҳлаймизми-йўқми, барибир ишчиларнинг бир қисмини четга чиқиб қолишига сабаб булади. Аммо бу ижтимоий муаммони ечишнинг оддий йули бор. У ҳам булса, куплаб хусусий корхоналар, деҳқон фермер хужаликлари очиш, қишлоқда саноатни ривожлантиришга эътиборни қаратишдир. Бизда айнан шундай йул тутилаяпти. Янги очилган корхона ва цехлар ҳисобига 3500 киши иш билан таъминланди. «Бандлик» бўлими йўлланмаси билан 1965 нафар киши касб-ҳунар эгаси бўлди ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Албатта, бу борада касаба уюшмаларининг олиб бораётган ишларидан кўз юмиб бўлмайди. Туман ҳокимлиги касаба уюшмалари билан доимий равишда ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилмоқда. Ҳамкорликдаги ҳаракат натижасида ишсиз қолаётган фуқароларнинг ишга бўлган эҳтиёжларини тула қондириш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Ўйлаймизки, узаро фойдали ҳамкорлик ижтимоий ҳимоя таъсирчанлигини оширишнинг муҳим кафолати бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош:
Ў. АБДУРАҲИМОВ.

Туркистон — умумий уйимиз

БЕШОВЛОН БЎЛА БЎЛСА...

Ойдин ҲОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоираси

Туркистон халқлари бир ёқадан бош чиқариб, улкан машваратлар тузадиган, катта тадбиркорликлар ўтказадиган замон келди. Туркистон халқларининг толе юлдузлари қайтадан ёнди. Улуг пирларимиз, буюк саркардаларимизнинг таваллуд йиллари бирбирига уланиб келаётгани бежиз эмас: Улуғбек ҳазратлари, Баҳоуддин Нақшбанд валий таваллуд айёмларининг кечагина ўтгани юргаимизга ҳали ҳам қувват бериб турибди. Донишманд Абайнинг туйини қозоқ оғаларимиз билан бирга туйлашдик. «Манас» достонидаги сўз ва ҳикмат сеҳри қалбимизга яна бир қайта нур сочди, байрам қилдик.

Дунёда эътиқод юлдузи деб улуғланган Нажмиддин Кубронинг таваллуди тантаналаридан ўтимизга шукуҳ ва фарогат ёғилмоқда. Замона Монийси деб улуғланган Камолиддин Беҳзод байрами, Туркистон салтанатининг шавкатли шаҳаншоҳи, соҳибқирон Амир Темурнинг улуг туйлари изма-из келаётгани туркий халқларнинг тақдирига, пешонасига ёруглик бўлиб сочилаётганини дилдан англаб турибмиз.

Бу улуг аждодларимиз ўз илдизлошларини ўйғоқ тутгани, янада маҳкамроқ жипслаштиргани, давларни тўкис ва файзли этгани боис, абадият бўржидан чақнаб чиқиб келмоқдалар.

Қадим Тошкентда бошланаётган Туркистон халқларининг форуми дўстлик ва биродарликнинг янги юлдузларини ёқиб беради. Сўз ва соз қудрати билан юракдан-юракларга янги куприклар қуради, Мустақил республикалар ҳаётига янги мавжлар олиб киради. Бу қутлуг машварат Туркистон оналарини, адиба ва шоирларини дийдорлаштиради, яна яқинроқ этади. Энди биз ҳар галгидан-да уюшиб, қовушиб, жону жигар бўлиб яшашимиз зарурлигини чуқурроқ англаяпмиз. Анжуман, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва миллий-ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Зулфияхоним ва Олтинсочхоним Жаҳонова, Марфуғахоним ва Оҳжамол бегим, Озод Аминзода ва Хонбибию Марямхонларнинг, Гулчеҳра ва Норинисоларнинг овози бир-бирига жўр бўлиб, янги ёркин ва ҳур қўшиқларга айланиб, юракларда садо беражак...

Туркистонда, Аҳмад Яссавий зиёратгоҳида улкан ёдгорлик қозон бор. Бир замонлар уни ҳам хорижга, олис мозитхоналарга олиб кетдилар, қозоқ дўстларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу ноёб ёдгорлик ўз элига, эгаларига қайтди. Шеър ушбу муносабат билан 1992 йил май ойида ёзилган.

ҚОЗОН

Қирқ қулоқли қозон —
Қора гумбаздай,
Қараганнинг эси оғади бехос.
Яссавий бобомдан барака мерос,
Мўрчадай кичрайиб турибмиз пастда,
Зиналарни босиб, калима айтиб,
Улкан «қулоқ»ларга бармоқ ураман:
Танга-тунга, пуллар, катмон кўраман,
Назар соламан-у, тушаман қайтиб...
Бул қозонни ҳар кун олов сийлаган,
Ошиқ бўлиб қучган, зикрга тушган,
Бунда қирқ қўчқорнинг боши уюшган,
Гирдида дарвишлар Ҳақдан сўйлаган.
Жулдур жандаларнинг ямоқларида
Оламнинг сирлари нурдай ўйнаган.
Тутунмас, кул эмас, ўчоқларида
Самандар қушлари учиб, сўйлаган...
Бир куни занжирин узди девлар,
Замбарагин судраб келди бу элга.
Улуғлари ётган гўргача кавлаб,
Барака қозонин туширди қўлга...
Косаси оқармай қолди бу элат,
Ўчоқларин турмин ажриқлар қўмди,
Яйловларин босди қаҳрабо зулмат,
Оқ сутини эчкизмарлар эмди...
Ва бир кун уйқудан уйғонди гаранг,
Ҳаққин талаб қилди Алпомиш сифат,
Қозонни қайтариб олдию аранг,
Бугун тўлғазмоққа тополмас неъмат...
Яссавийнинг изи қолган йўллардан
Маънавият деган шаффоф қўллардан,
Барака ёғилгай бул Туркистонга...
Маҳобатли гумбаз.
Асрий сукунат.
Руҳим осмонида тўрғайдай ўйнар.
Бу қадим қозонни тўлдиргай фақат
Қирларда булутдай қўпирган қўйлар...

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида

ИЖРОЧИЛИК ИНТИЗОМИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари раислари иштирокида кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов олиб борди.

Касаба уюшмалари бюджети ҳамда ижтимоий суғурта бюджети бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Қ. Рафиқов маъруза қилди. Маърузачи ижтимоий суғурта бюджети даромад ва ҳаражатлар қисмларининг ўтган вақт мобайнида қандай бажарилганини таҳлил этиб, қурилган қатъий чораларга қарамай, меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳажмлари бир мунча қисқарганлигига эътиборни қаратди. Қатор вилоят касаба уюшмалари кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари ижтимоий суғурта маблағларини вақтида ўтказиш интизомини бузаётганлари қайд этилди.

Аъзолик бадаллари бўйича касаба уюшма бюджетининг бажарилишида ҳам мураккаб ҳолат юзага келган. Нотиқ йўл қўйилган камчиликларга батафсил тўхталиш билан бирга, аҳволни яхшилашга доир шошилинч чоралар кўришга асосий диққатни қаратди. Ушбу масала муҳокамасида касаба уюшмалари Андижон вилоят кенгаши раиси У.Охунов, Кимё саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Н.Қосимов, касаба уюшмалари санаторий-курортлар бирлашмаси раиси Х.Маҳмудов, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари Марказий Кенгаши раиси В. Бойко ва бошқалар қатнашдилар.

Кенгаш йиғилишида, шунингдек, «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарига 1996 йилга обунанинг бориши ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

КУН ТАРТИБИДА — ЗАРБДОР МАСАЛАЛАР

Тошкентда тоғ-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари Халқаро бирлашмаси — «Союзметалл» касаба маркази Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Халқаро бирлашманинг II Конгрессини ўтказиш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Бирлашма Ижроия қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш буйича 1994 йил 27 октябрдаги қарорининг бажарилиши, олмос ва қимматбаҳо тошларга ишлов берувчилар уюшмасини тузиш, ташкилотнинг халқаро фаолияти тўғрисидаги ва бошқа бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасининг раиси Мамасодиқ Жамолиддинов республика металлургия корхоналарида жамоа шартномаларини тузиш, қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат этиб боришга раҳбарликни амалга ошириш тажрибаси тўғрисида маъруза қилди.

Мажлисда «Союзметалл» касаба маркази президенти Ю. Тимофеев, марказнинг бош котиби М. Тарасенко, марказ ишларини мувофиқлаштирувчи котиб Н. Крестьяников ҳамда Қозоғистон ва Тожикистон металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг раислари К. Шуменов ва А. Зотовлар иштирок этишди.

Ижроия Қўмитаси мажлисидан сўнг унинг иштирокчилари Ўзбекистон тоғ-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмалари фаоллари билан учрашиб, уларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

А. Силеенков,
«Ишонч» мухбири.

Қонун лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларининг яратилиши Ўзбекистонда бозор муносабатларини шаклланишида муҳим шартларидан биридир.

Шу масалага бағишланган қонун лойиҳасини эълон қилиниши айни муддао бўлди. Лойиҳа олимлар, мутахассисларнинг катта гуруҳи томонидан жуда жиддий ва пухта ишлаб чиқилгани кўриниб турибди. Шунга қарамай, унинг айрим моддалари ҳақида фикр юритиш фойдадан ҳоли эмас деб ҳисоблайман.

Қонун лойиҳасининг 7 — моддаси «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашувга йўл қўймаслиги» деб аталиши, фикримизча мазкур модданинг мақсадини аниқ ифода этмайди ва унинг таъсирчанлигини сусайтиради. Шунинг учун шу модданинг номланишини «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг дахсизлигини таъминлаш» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, ушбу модданинг биринчи абзацидаги биринчи жумланинг охиридаги «аралашувга йўл қўйилмайди» иборасини олиб ташлаб, унинг ўрнига аралашуви қатъиян тақиқланади» ибораси билан алмаштириш керак. Биринчи абзацнинг иккинчи жумласидаги «белгиланган тартибда» иборасидан сўнг «ва муддатда» иборасини қўшиб матн буйича давом эттириш лозим. Бу турли хил идораларнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига хоҳлаган пайтларида аралашиб, уларни чалғитишларига барҳам беради.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидангина эмас, балки мансабдор булмаган ходимлари томонидан ҳам бузилиши мумкин. Шунинг учун иккинчи абзацдаги «Давлат органлари ва бошқа органларнинг» иборасидан кейинги «ҳамда» иборасини олиб ташлаб, унинг ўрнига «вергул» қўйиш ва «уларнинг мансабдор шахсларининг» иборасидан сўнг «ҳамда ходимларининг» иборасини қўшиб матн буйича давом эттириш лозим. Учинчи абзацда ҳам юқоридаги ибораларни тегишли равишда шундай ўзгартириш лозим, яъни «Давлат органлари ёки бошқа органларнинг» иборасидан кейинги «еҳуд» иборасини олиб ташлаш ва унинг ўрнига «вергул» қўйиб, «мансабдор шахсларининг» иборасидан кейин «сўҳд ходимларининг» иборасини қўшиб, матн буйича давом эттириш даркор.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки дахлсиз булган тақдирдагина, уларнинг эркин ривожланишлари учун зарур шарт-шароитлар вужудга келади. Шунинг учун ушбу моддаларнинг эркин тўртинчи абзацини қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламиз: «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тегишли булган барча мол-мулк дахлсиз мулк ҳисобланади. Давлат ва бошқа органлар томонидан уларнинг мол-мулки олиб қўйилиши таъқиқланади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибда, суд қарори буйича олиб қўйиш бундан мустасно».

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва кафолатлаш — уларнинг ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун 8-моддаларнинг биринчи абзацидаги «инфраструктурани шакллантириш» иборасидан кейин «вергул» қўйиш ва «иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва кафолатлаш» иборасини қўшиб, матн буйича давом эттириш керак.

26-моддаларнинг биринчи абзацига «Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мустақил тарзда ташқи иқтисодий фаолият юритишлари ва олиб борадилар» жумласини киритиш мақсадга мувофиқдир. Қонун лойиҳасидаги биринчи абзацни эса иккинчи абзац билан ёниш керак.

Бизнинг фикримизча, 28-модданн ўзгартиришсиз, ўз ҳолича қолдириш керак, чунки Ўзбекистон давлат ва ҳукумати томонидан тузилган халқаро шартнома ёки битимлар барча турдаги ишлаб чиқариш субъектлари учун мезон ҳисобланади. Умуман, қонун лойиҳаси пишиқ ва пухта ишлаб чиқилган. Тадбиркорликнинг ривожланишида ҳал қилувчи манбаа бўлиб қолади деб ҳисоблаймиз.

Шавкат ДОВЛАТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодий назарий кафедраси катта ўқитувчиси.

Туркистон — умумий уйимиз

БИР ЧИНОР ЯПРОҚЛАРИ

Азим бир чинорнинг илдизлари каби бир булоқдан сув ичган, бир заминга таянган Туронзамин халқлари қадимдан узаро дуст, биродардир. Уларнинг қадриятлари бир, урф одатлари, дини, каломи бир... Азал-азалдан бир бирларинкига эмин эркин бориб келишган, куда кудагай булишган, қардошлардир. Ҳозир Узбекистонимизда қарийб бир миллион қозоқлар истиқомат қилишади. Улар республиканинг маданий маърифий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар, Узбекистон қозоқларининг маданиятини тарғиб қилиш,тарихини мукаммал урганиш, тилини ривожлантириш ва халқлар дустлиги гоясини ешлар онгига сингдириб бориш мақсадида 1989 йилда Узбекистонда қозоқ маданий маркази ташкил этилди.

1992, 1995 йилларда булиб утган қурултойларда марказнинг мақсад ва вазифалари белгиланди. Турсумат Холбоев унинг раиси этиб сайланди. Ҳозир бу ерда кенг қуламдаги маданий маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Туронзаминлик тарихий шахсларнинг юбилейларини кенг нишонлаш, қадриятларимизни, миллий анъаналаримизни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Қозоқ халқининг етук намояндаси Абай Қунонбоевнинг 150йиллигини ЮНЕСКО қарорига биноан нафақат туронзамин халқлари, балки жаҳон жамоатчилиги хам кенг нишонлади. Қозоғистон республикасининг вице-президенти Э.М.Асанбоев раҳбарлигида ёзувчилар, оқинлар, шоирлар, ишлаб чиқариш илғорлари, жамоат арбобларидан иборат ҳукумат делегацияси Абай кунларини утказиш мақсадида Тошкентга келди. А. Навоий номидаги театрдан бошланган тантаналар республикамизнинг энг чекка худудларигача ейилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Тошкент, Сирдарё вилоятларида мароқли учрашувлар булди Кенжегалы Миржиқбоевнинг қушиқлари завқ бағишласа, шоира Хонбиби Эсонқораеванинг некбин шеърлари қозоқ тилининг сехрли жозибасини тараннум этиб, дилларга сурур солди.

Яқинда Қозоғистондан дунё қозоқлари Ассоциациясининг делегацияси Тошкентга келди. Қозоғистон ёзувчилар уюшмаси раҳбари, ассоциация раисининг биринчи муовини Қалдарбек Найтанбаев бошчилигидаги мазкур делегация таркибида халқ шоири, Қозоғистон давлат мукофотининг лауреати Туманбой Молдағалиев, Халқ артисти Майра Илёсова, Бибихожар Моханбетова ва бошқа жамоат арбоблари бор эди. Мирзачўлда, Самарқандда, Навоий ва Тошкент вилоятларида пахтакорлар билан қизғин учрашувлар булиб утди, Меҳмонлар Узбекистон қозоқларининг турмуш тарзи, ую интилишлари билан қизиқиб танишдилар

Диёримизда қозоқ тили ўқитиладиган 600 дан зиёд мактаблар мавжуд. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг қозоқ тили факультетида мазкур билим даргохлари учун мутахассис ўқитувчилар тайёрланади. Кафедра мудири Абдурахмон Тешабоев докторлик диссертациясини қозоқ тилида химоя қилди.Филология фанлари номзоди Турдибой Қолдибоев, Худойберган Жийдебаев хамда ўқитувчилардан Бердибек Турғунов, Эргаш Абдувалиев каби иқтидорли муаллимлар талабаларга қардош тил сирларини пухта ўргатмоқдалар,

Шаҳарнинг энг қуркам кучаларига Динмуҳаммад Қунаев, Султонбек Хожанов, Мухтор Авезов, Турар Рисқулов номлари берилиши ҳам қувонарли, ҳам хайрлидир. Абайнинг 150 йиллик юбилейи шодиёналари арафасида Тошкент вилоятидаги махаллалардан бирига унинг номи берилди. Ҳозирги кунда узбекистонлик қозоқлар «Нурлы жол» газетасини ўз она тилларида ўқийдилар.»Дийдор» телекурсатувидаги дийдорлашув онлари қозоқ тилида олиб борилади,

Туркистоннинг кўҳна тарихи бу ўлкада яшовчи халқларнинг дустлиги, иноқлиги, интилишлари, орзуларининг муштараклигидан далолат беради, Туркистон большевиклар тазйиқи остида худудий парчаланган бўлса-да, маънавий жиҳатдан бут, соғлом. Чунки ота маконимизнинг зиёлилари ҳамиша туркий улуснинг бирлиги учун курашиб келганлар, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон умумий уйимиз» жамоатчилик харакатини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қалбан бир-бирига яқин туронзамин халқлари дилидаги ниятларнинг ифодаси бўлди. Узаро дустлик ва аҳиллик бозор иқтисодига асосланган беш мустақил давлатнинг ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши турган гап. Чунки бу харакатнинг етакчилари шоиру, ёзувчилар, тарихчи-ю зиёлилардир. Тошкентда бўлиб утадиган «Туркистон халқлари маданияти» форумида Қозоғистондан ҳам бир гуруҳ вакиллар ташриф буюрадилар. Дустлик анжумани халқларимизни бир бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилади, албатта.

Туркистон!.. Гузал гўшалари, боғ-роғлари, меҳнатсевар одамлари, олиму фузалолари билан дунёга донг таратган бу азим диёрбизнинг умумий уйимиздир.

Фазилат ХОЖИҚУЛОВА

«ЖАДИК» ОЙДИН ЙЎЛДА

Жиззах вилоятининг Бахмал, Зомин, Дустлик туманларида яшаётган қиргиз биродарларимиз ўзбеклар билан елкадош бўлишиб халқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб, фаровон турмуш кечирмоқдалар. Мен Бахмал туманида бўлганимда «Сангзар», Абдувоҳид Усмонов, «Ойқор» хўжаликларида, «Бахмал» таянч пункти ҳудудидаги ўнлаб қишлоқларда яшаб меҳнат қилаётган Туркистонни умумий уйи деб билаётган қиргиз оғалар билан суҳбатлашдим. Улардан бири «Сангзар» хўжалиги ҳудудидаги Жадик қишлоғилик Ботирхон Қўшбоқовдир. У ўзи туғилиб ўсган қишлоғи номида ферма ташкил этиб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ботирхон Қўшбоқовнинг ёши 30 да. Фермерликни ихтиёр этганига беш йил бўлди. У «Сангзар» ижара ширкат бирлашмасининг Жадик Жиззах қишлоқ хўжалик техникуминнинг ҳисобчилик бўлимини тугаллаган.

1990 йилдаёқ Ботирхон «Жадик» фермер хўжалигини тузди. Ўша йили сентябрь ойида давлатдан 100 минг сўм қарз кутариб, бозордан 22 бош қорамол сотиб олди. Дастлабки йилиёқ давлатга 8 тонна сифатли гўшт топширди. Лекин фермер хўжалиги ривожланиши йўлида кўпгина қаршиликларга ҳам учради. Ботирхон Қўшбоқов у ташкилотдан бу ташкилотга югуриб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уриниб кўрди. Тўнини тескари кийиб олган маҳаллий раҳбарлар унинг арз-додларига эътибор бермадилар. Шу таҳлитда йил самарасиз якунланди. 1992 йилдан бошлаб Ботирхоннинг ишида силжиш юз бера бошлади.

— Давлатдан 20 минг сўм қарз олиб, фаолиятимизни қайтадан бошладик, — дейди Ботирхон. — Қорамоллар сонини 12 бошга етказдик. «Сангзар» хўжалиги 15 гектар ер ажратди. Уни 9 гектарига буғдой, 6 гектарига арпа уруғи қададик. 15 тонна дон ҳосили олиниб, 15 тонна сомон жамғарилди. Йил охиригача давлатга 3,5 тонна сифатли гўшт топширдик.

1993 йилда моллар сони 17 бошга етказилди. Давлатга 2,5 тонна гўшт топширилди. 1994 йил бошида давлатдан 5 миллион сўм қарз олиниб, 45 метр узунликда янги молхона қурилди. Ҳозир қорамолларимиз 31 бошдан ошган.

— 1995 йил Ботирхон Қўшбоқов фермаси учун омадли келаяпти, — дейди Бахмал тумани ҳокимининг биринчи муовини Шавкат Ғафуров. — Фермерлар шу кунга қадар режадаги 4 тонна ўрнига давлатга 6 тонна гўшт топширдилар. Улар йил охиригача яна 1 тонна гўшт етказиб беришмоқчи. «Жадик» фермер хўжалиги тўлиқ оёққа туриб олди. Унинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман.

... Молгузар тоғи бағридаги яйловларда Ботирхон Қўшбоқов етакчилик қилаётган фермер хўжалигининг 35 бош қорамоли боқилмоқда. 15 гектар ерда эса мўл галла ҳосили етиштириляпти. Молларни парваришлаш ва дон ҳосилини йиғиштириб олишда хўжалик аъзолари Шапоат Қўшбоқова, Саодат Қўшбоқова, Зулфия Мамировалар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

Тошкент Тўқимачилик комбинати ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги енгил саноат моллари ишлаб чиқарувчи йирик жамоалардан биридир. Бу ерда турли миллат вакиллари — ўзбек, рус, қозоқ, украин, қиргиз, тожик, туркманлар бир оила фарзандларидек, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

— Дарҳақиқат, бизда юзга яқин миллат вакиллари ога-инилардек бўлиб кетишган, — дейди «Тўқимачи» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳмуд Узоқов. — Комбинат жамоасини ўн бир мингдан зиёд ишчи-хизматчилар ташкил қилади. Узбекистон мустақилликка эришгандан сўнг юртбошимиз ташаббуслари билан «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида катта ҳаракатлар бошланди. Ишчиларимиз ҳам мана шу ташаббусга қўшилган ҳолда, ягона мақсад йўлида — Узбекистонни мўқаддас Ватан билиб, унинг равнақи учун, янада ривож топиб юксалиши учун меҳнат қилмоқдалар.

Халқимизда ажойиб нақл бор: «Қўшнинг тинч — сен тинч». Ҳозирги кунда бизнинг катта бойлигимиз — мамлакатимизнинг тинч ва ободлигидир. Кун сайин юртимиз чирой очиб, дўстлари кўпайиб бормоқда. Мақсадимиз туркий халқларнинг, барча фуқароларимизнинг дўст ва иноқлиги, бирлашиб яшашидир. Чунки бирлашган ўзади.

Маҳмуд ака Узоқовнинг фикрларини ишчилар дил сўзлари билан тасдиқладилар.

— Мен 1986 йилдан бери шу комбинатда меҳнат қиламан, — дейди 3-йигирув фабрикасининг титиш-саваш цехи бошлиғи Абдулхайр Жонодилов. — Ўзим қозоқ фарзандиман, ўзбек юрти — Ватаним. Меҳнат фаолиятимни чилангарликдан бошлаганман. Ҳамкасбларимга ака ва укаларимга суянгандек суянаман. Ҳаётимни уларсиз, севимли жамоасиз тасаввур қила олмайман.

— Жуда ҳақ гапни айтдингиз, — дея суҳбатга қўшилди қиргиз йигити Аренали. Маимгенов. — Мен учун қадрдон бўлиб қолган бу комбинатга 1970 йили ишга келганман. Аввал чилангар, сўнгра уста даражасига кўтарилдим. Ишдан ажралмаган ҳолда 1978 йили Тошкент автомобиль йўллари институтининг механика факультетини тугалладим. Ҳозирда комбинат пардозлаш фабрикасининг бош механигиман. Шу юртда оилали бўлдим. Турмуш ўртоғим ҳам қиргиз. Фарзандларимизни ўзбекона удум-одатларни ҳурматлаш билан биргаликда одамларга меҳр, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Туркман йигити Шомурод Сафаров ҳам, тожик фарзанди Зиёратилло Қурбонов ҳам ҳамкасбларининг сўзларини қўллаб-қувватладилар.

— Беш фарзандим Ўзбекистонда туғилиб, вояга етмоқда, — дейди Шомурод Сафаров. — Шу ерда уйли-жойли бўлдим. Қадримни ва бахтимни топдим.

Комбинатимизда меҳнат аҳли турмушини енгилаштиришга катта эътибор берилади. Яқинда яна бир хайрли иш амалга ошди: 6 ой муддатга қарзга турли маҳсулотлар, уй-рўзғор моллари сотувчи дўкон очилди. Бу дўкон комбинат ҳовлисида жойлашган бўлиб, барча ишчилар хоҳлаган вақтда унинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Комбинат касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳар йили Тошкент денгизида жойлашган «Тўқимачи» дам олиш масканига йўлланмалар берилади. Турли миллат фарзандлари меҳнати, жамоа ҳаёти комбинатда чиқадиган «Тўқимачилар овози» газетасида доимий ёритиб борилади. Қисқаси, биз бир-биримиз билан тинч-омон дийдор кўришиб турмасак, кўнглимиз ҳувиллаб қолади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ. Шовот туманидаги «Турон» савдо ҳиссадорлик жамияти жамоаси кейинги йилларда бир қанча хайрли ишларни амалга ошираптилар. Жумладан, сўнгги бир неча ой ичида бу ерда бир қанча янги дўконлар, бозор, кўпгина савдо шаҳобчалари қурилиб, ишга туширилди.

Яқинда жамиятга қарашли янги тикувчилик цехи ўз ишини бошлади. Бу ерда дастурхон, сочиқ, чойшаб ва ёстиқ жилдлари каби аҳоли учун зарур бўлган турли хил халқ истеъмоли моллари тикиляпти.

СУРАТДА: тикувчилик цехида иш қизғин.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратга туширган.

Меҳнат Кодекси лойиҳаси — муҳокамада

МУҲИМ АМАЛИЁТ ДАСТУРИ

Ёлланма меҳнат кишилари билан иш берувчилар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиш, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишда умумхалқ муҳокамасига қўйилган Узбекистон Меҳнат Кодекси лойиҳаси катта аҳамиятга эга. Ушбу Қонунлар мажмуи қабул қилиниши билан жамиятимиз демократик тараққиётининг яна бир муҳим пойдевори яратилади. Мазкур ҳужжатнинг муҳим аҳамияти яна шундаки, у янги — бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатларини жаҳон андозалари асосида тартибга солишга тўлиқ хизмат қилади, мустақил равнақимизни таъминлашга амалий ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмалари Марказий Қўмитасига келган таклиф ва мулоҳазаларнинг айримларини баҳам кўришни истардим. Чунончи, лойиҳада «...қонунларда кўзда тутилганидек», «...қонунларда белгиланади», «...қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда қайд этилади», «...қонунга мувофиқ», «...қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда» каби бошқа қонунлар ва ҳужжатларга ишоралар кўп учрайди. Бизнингча, Меҳнат Кодексининг барча моддалари ва бандлари қисқа, аниқ ва лўнда ифода этилиши керак ва шу мақсадда юқоридагига ўхшаш жумлалардан иложи борича воз кечиш зарур.

Янги қонун бошқа амалдаги қонунлар (бандлик, пенсиялар тўғрисидаги ва ҳ.к.)ни такрорламаслиги ҳам мақсадга мувофиқ. Шунинг учун лойиҳадаги XVI бобни чиқариб ташлаш керак деб ўйлаймиз. Шунингдек, ишга жойлашиш ҳақидаги V бобни ҳам чиқариб ташлаш ва ундаги асосий қоидаларни I бобда баён этиш билан кифояланиш мақсадга мувофиқ буларди.

9-модданинг 2 қисми 1-бандида қайси ваколатли органлар назоратни амалга оширишини аниқ ифодалаб, мавҳум ва декларатив тарзда ёзилган 3-қисмни чиқариб ташлаш керак.

19-модданинг 2-қисмида меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қанақанги норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилишига аниқлик киритиш зарур. 137-модданинг сунгги қисмига аниқлик киритиш, меҳнат таътилининг энг қисқа муддати қанча булиши мумкинлигини курсатиб бериш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, лойиҳанинг 168, 169-моддаларига тўлалигича аниқлик киритилиши керак.

180-модданинг I-қисмида рағбатлантириш чоралари ҳақидаги фикр мавҳум баён этилган. Улар қанақанги чоралар булиши мумкин? Ҳеч булмаганда, жамоа шартномасига киритиш мумкин буладиган асос керакку. Масалан, ташаккурнома ва камида 3 минимал маош миқдоридаги пул мукофоти, энг кам иш ҳақининг 5 бараварига тенг бир марталик пул мукофоти ёки 5—10 минимал иш ҳақи баҳосига тенг адресли ёдгорлик совғаси каби аниқ таклифлар баён этилиши маъқул буларди.

223-моддада назорат ва контрол органларини — давлат меҳнат техника назорати, меҳнат техника назорати, касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқи назорати тарзида аниқ санаб ўтиш лозим.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурилиши ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси.

ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

Маълумки, қишлоқ хўжалиги бугунги кунда республика иқтисодида салмоқли ўринни эгаллайди. Иқтисодий ислоҳотлар тармоқда Президентимиз белгилаб берган беш тамойил асосида амалга оширилмоқда. Айниқса, ернинг ўз эгасига — деҳқонга берилиши қишлоқ жойларида кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўл очяпти. Зотан ер мўл — кўлчилик пойдевори, асосий даромад манбаидир.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

— бошқарувда, мулкка бўлган муносабатда, хўжаликни юритиш шаклларида давлат яккаҳокимлигини бартараф қилиш, ишбилармонлик эркинлиги ва мустақиллигини кучайтириш:

— мулкчилик ва хўжалик юритишнинг кўп шаклли тизимини яратиш;

— маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг тўла мустақиллигини таъминлаш, бозорда ўз манфаатлари ва жавобгарлигини ҳис этиб ҳаракат қилувчи ишбилармонликни ривожлантириш;

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛИ

— бозор инфраструктурасига таянадиган узаро шартнома асосида олиб бориладиган тенг ҳуқуқли шерикчилик муносабатларига утиш;

— агросаноат иқтисодида эркин ва келишилган (талаб ва таклиф муносабатидан келиб чиқадиган) нархларнинг устиворлигини таъминлаш;

— муқобил ҳаракат қилувчи молиявий тизимларни яратиш, пул массаси, қимматбаҳо қоғозларни молия бозорига жалб қилиш, меҳнат бозори ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланиш;

— яратилган даромадни ҳар бир меҳнаткашнинг қўшган ҳиссасига қараб тақсимлаш тизимини шакллантириш;

— қишлоқ хўжалигида ширкат, ижара, деҳқон фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг хусусий томорқа хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг ривожланишига кўмаклашиш.

1993 — 1994 йилларда республикамизда 1009 та давлат хўжаликлари мулкчиликнинг жамоа, ширкат ва ижара шаклига айлантирилди. Бу борадаги иш давом эттирилмоқда.

1995 йилнинг биринчи ярмига келиб жами 1488 та хўжалик мулк шаклини ўзгартирган. Бу қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги жамоаларнинг 70 фоизидан кўпини ташкил қилади. Йил охиригача барча хўжаликлар мулк шаклини ўзгартириши мулжалланган. Агар деҳқончиликда асосан ерни ижарага олиб, ижара ва оилавий хўжаликлар такшил қилиш йўлидан борилаётган бўлса, чорвачиликда ижарачилар ва оилавий фермерлар сафини кенгайтиришга катта аҳамият берилаяпти.

Президент Фармонига кўра чорвачилик соҳаси тўла хусусийлаштирилиб, фақат наслчилик хўжаликларигина давлат тасарруфида қолади. Хусусийлаштириш муносабати билан ҳозиргача фермерларга 190,3 минг гектар ер ва емозуқа берилди.

Пахтачилик жамоа хўжаликларини агрофирмаларга айлантириш мақсадга мувофиқ, деб топилмоқда. Агрофирма кўп укладли бўлиб, маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, бозорни урганиш, нархнаво масалалари билан шуғулланади.

Мулкка ва яратилаётган меҳнат маҳсулига бўлган муносабатнинг ўзгариши ерга, сувга, уруғга, техника, агротехникага бўлган муносабатни ҳам кескин ўзгартирмоқда. Иқтисодий ислоҳот туфайли қишлоқ хўжалигида бир неча янги тизимлар пайдо бўла бошлади. Улар уруғ билан таъминловчи, агрокимё ва бошқа хил хизматлар кўрсатувчи тизимлардир. Мулк шаклини ўзгартирган хўжаликларда истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган, қурилиш ишлари олиб борадиган, коммунал, маиший ва савдо хизматлари кўрсатадиган кичик корхоналар, фирмалар кўплаб ташкил этилаяпти.

1995 йил июль ойигача 11 мингдан зиёд ана шундай жамоалар барпо этилди, натижада 85 мингта янги иш ўринлари вужудга келтирилди. Утган йили бу корхоналарда 158 млн. сўмлик маҳсулот чиқарилди ва турли хил хизматлар кўрсатилди. Жорий йилда улар чиқарадиган маҳсулот ва бажарадиган иш ҳажми 200 млн. сўмдан ортиқ булиши кутилаяпти.

Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислоҳотлар аниқ дастур асосида амалга оширилмоқда. Эндиги асосий эътибор деҳқон (фермер), оилавий фермер хўжаликларига уруғ, техника, ёқилғи, наслдор моллар, маҳсулотни қабул қилиш ва қайта ишлаш, савдо хизмати кўрсатиш, ерни ҳайдаб бериш, уруғни ва кўчатни экиш, суғориш ишларини олиб бориш, ҳосилни йиғиштириш, техник хизматлар кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб беришга оид буюртмаларни бажарадиган махсус фирмалар ташкил қилишга қаратилиши лозим.

Тегишли қонунлар, фармонлар, молия, банк, солиқ тизимини қайта қуриш, миллий валютани жорий қилиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш макро иқтисод даражасини белгилайди.

Бу борадаги чора — тадбирлар яхши самара бериши учун тегишли ишлар амалга оширилиши керак. Чунончи, хўжаликларнинг иш якунини иқтисодий таҳлил қилиш, маҳсулот таннархини шакллантириш, сарф — ҳаражатларни назорат қилиб бориш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, бошқарувда иқтисодий усулларни кенг қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бир тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришга кетган сарф — ҳаражатларни таҳлил қиладиган бўлсак, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар бўйича таннархнинг энг кам ва энг кўп кўрсаткичлари орасидаги тафовут 2 — 3 маротаба, хатто ундан ҳам катта эканлиги кузга ташланади.

Масалан, 1994 йилда Фарғона вилоятида бир тонна доннинг энг кам таннархи 260 сўм бўлган. Энг юқори таннарх Хоразм вилоятига тегишли бўлиб, 1074 сўмни ташкил қилади. Албатта, бунда табиий-иқлим шароитларини ҳам ҳисобга олиш керак. Энг кам ва энг кўп натижалар нисбати коэффициенти 4,13 га тенг. Республика бўйича бир тонна доннинг таннархи 544 сўмга тўғри келган. Умуман, ғаллачиликдаги аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўтган йили 8 та вилоятда таннарх ўртача кўрсаткичдан паст, Қорақалпоғистон Республикаси ва 4 та вилоятда юқори бўлган.

Кузатишлар ҳосилдорлик билан таннарх орасида узвий боғланиш борлигини кўрсатмоқда. Ҳосилдорлиги паст вилоятларда таннарх баланд ва аксинча, хосилдорлик юқори бўлган вилоятларда таннарх анча паст бўлган. Масалан, Андижонда ҳосилдорлик гектаридан 37,4 центнер, таннарх 381 сўм, Наманганда 30 центнер, таннарх эса 313 сўм, Қорақалпоғистонда ҳосилдорлик 24,1 центнер, таннарх 1007 сўм, Тошкент вилоятида 18,5 центнер, таннарх 695 сўмни ташкил этган. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта. Иш ҳақининг турлича бўлиши, бехуда қилинган сарф — ҳаражатлар, ҳисоб-китоб ишларини олиб боришдаги чалкашликлар, транспорт ҳаражатларининг кўпайиб кетиши, уруғчиликдаги камчиликлар ва бошқалар таннархга ўз таъсирини курсатганлиги шубҳасиз.

Бултур пахтачиликда таннархнинг 60 фоизини иш ҳақи ташкил этган. Картошка, сабзавот, мева, узум, гўшт, сут етиштиришда ўртача таннарх билан энг юқори ва энг паст таннарх кўрсаткичлари орасидаги тафовут 1,5 — 2,5 баробар. Таннарх таркибида иш ҳақининг салмоғи ҳам ҳар хил. Мисол учун, бир тонна сутнинг ўртача таннархи 790 сўмни ташкил қилган. Лекин ҳар бош сигирдан кўп сут соғиб олинган вилоятларда таннарх нисбатан паст (чунончи Наманганда 2879 кг., таннарх 725 сўм) бўлиб, кам сут олинган вилоятларда (Қорақалпоғистон Республикасида 1431 кг., таннарх 880 сўм) юқоридир. Гўшт ишлаб чиқаришда ҳам худди шу ҳолни кузатиш мумкин.

Бир тонна гўшт етиштиришнинг ўртача таннархи ўтган йили 8707 сўм булган. Энг юқори таннарх Сирдарё вилояти (10654 сўм), энг пасти Қашқадарё вилоятида (6404 сўм) улушига тўғри келади.

Маҳсулот тайёрлаш учун кетган сарф-ҳаражат таркибида иш ҳақининг салмоғи ўртача 18 фоиз. Энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (24 фоиз), энг пасти Фарғона ва Хоразм вилоятларида (15 фоиз) қайт этилган.

Умуман, таннарх таркибини таҳлил қилиш шундай хулосага олиб келаяптики, кейинги 2 — 3 йилда иш ҳақининг улуши тез суръатлар билан усиб бораяпти. Пахта, ғалла, картошка, сабзавот, мева, узум етиштиришда иш ҳақининг ўсиши таннархда 32 — 68 фоизни ташкил қилади. Ёқилғи, эҳтиёт қисм, ўғитга сарфланган ҳаражатлар 15 — 18 фоиз атрофида. Қуринадики, таннархни арзонлаштириш учун унинг таркибини барқарорлаштириш, айрим ҳаражатларни меъёрлашга катта эътибор бериш керак. Зеро корхоналарнинг даромади, пул жамғармалари, тўланадиган солиқ миқдори таннархга бевосита боғлиқдир.

Абдуқодир ўғли АБДУСАДИР,
иқтисод фанлари доктори, профессор.
У. ҚОДИРОВ,
республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги молия бошқармаси бошлиғи.

Танқидий чиқишларимиз изидан

«ПУЛ АЙЛАНИШИДАГИ ОЧИҚ, АММО АЧЧИҚ ГАПЛАР»

«Ишонч» газетасининг 1995 йил 6 октябрь сонилаги «Пул айланишидаги очиқ, аммо аччиқ гаплар» сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлигида хўжалик ва ташкилот раҳбарлари, солиқ инспекцияси, банк ва молия ходимлари, савдо ташкилотлари раҳбарлари, туман пул комиссияси аъзолари иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. Камчиликка йўл қўйган корхона ва ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Бозорни ҳаридоргир маҳсулотлар билан тўлдириш борасида туманда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи консерва заводининг қувватини ошириш, хўжалик ва деҳқон (фермер) хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш, туманда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи «Нодир» кичик корхонасида маҳсулот турини кўпайтириш, яқин кунларда ишга тушириладиган «Эломон» бичиш-тикиш кичик корхонасида қўшимча ишчи ўринлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Туманда етиштирилган маҳсулотларни товар айрибошлаш йўли билан Россия Федерациясидан, хусусан, Воронеж ва Ярославль шаҳарларидан 308 тонна шакар, Чита шаҳридан 402 тонна совун, Комсомольск шаҳридан 22 тонна чой, 1670 минг сўмлик қурилиш материаллари ва 500 минг сўмлик ўқув қуроллари, 240 тонна трубалар келтирилиб, туман аҳолисига сотилди. Яқин кунларда бартер асосида 1000 куб, метр ёғоч ва тахта, дорилармонлар, автошина ва бошқа халқ истеъмоли моллари келтирилиши режалаштирилган.

Бозор талабини ўрганиш ва шунга яраша маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ташкил этувчи ишчи гуруҳи тузилиб, фаолият кўрсата бошлади.

Пулнинг эркин айланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар хусусида иқтисодиётдаги нуқсонларни бартараф этиш, пул эмиссиясининг олдини олиш бўйича туман ҳокимлигининг дастури ишлаб чиқилди. Юқорида кўрсатилган камчиликларга йўл қўйган алоқа хизмати корхонаси бошлиғи А. Абдураззоқов, туман матлубот ҳиссадорлик жамияти раиси К. Жабборов, Бўстон ишчилар таъминоти бошлиғи У. Топмаров, Зарбдор ишчилар таъминоти бошлиғи Ш. Эшбоев, атторлик ҳиссадорлик жамияти раиси У. Қулматов, савдо бошлиғи Х. Бузоқов, туман ҳокимининг иқтисодий масалалар буйича ўринбосари Д. Боймирзаевлар огоҳлантирилдилар.

Зарбдор тумани ҳокими
И. УМУРЗОҚОВ.

Таҳририятдан: шунингдек Ғаллаорол тумани ҳокими ўринбосари А. Абдуллаевнинг жавоб хатини ҳам олдик. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилганини ҳисобга олмаганда, ушбу хатда газетхонлар эътиборига лойиқ бирон ган айтилмабди. Бизнингча, газетада жуда аниқ қилиб кўтарилган муаммолар бўйича аниқ белгиланган тадбирлар ҳақида хабар берилса, айни муддао бўларди. Ҳали ҳам кеч эмас. Мазкур мақола туртки бўлиб, туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг дастурий режаси ишлаб чиқилса бажонидил газетхонларимизни ундан хабардор қилган бўлардик.

Шу кунларда Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтмоқда. Уни ҳақли равишда юбилей сессияси, деб баҳолаямоқдалар. Чунки бу йил БМТ ташкил топганлигига ярим аср тўлди.

Фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчиларига қарши ҳаёт-мамот учун жанглар давом этаётган долғали дамларда шундай ғояни илгари суриб, уни рўёбга чиқаришга эришган кишиларнинг фаолияти таҳсинга лойиқ. Зеро, улар ўшанда узоқни кўра билганлар, инсоният тақдирини, унинг келажагини ўйлаганлар.

Буюк давлатлар (Франциядан ташқари) вакиллари ўз ҳукуматларининг топшириғига биноан 1944 йилдаёқ булажак умумжаҳон ташкилотининг низоми лойиҳасини ишлаб чиқдилар. 1945 йил 26 июнда (Япония билан уруш давом этаётган бир вазиятда) Сан-Францискода дунёнинг 51 мамлакати делегациялари иштирокида ўтган таъсис конференциясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми тасдиқланди. У кучга кирган 24 октябрь куни БМТ куни сифатида бутун жаҳонда ҳар йили нишонланади.

Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС), Котибият, Халқаро суд БМТнинг бош органлари ҳисобланади. Шунингдек, унинг кўплаб бошқа қўмита, кенгаш, дастур ва ихтисослашган ташкилотлари (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, МАГАТЭ — Атом энергиясидан фойдаланиш устидан назорат қилиш халқаро агентлиги, ЮНЕСКО — маориф, фан ва маданият масалалари буйича БМТ ва ҳоказолар) мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра, бутун дунёда тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ўртасида дустлик алоқаларини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик муаммоларини ҳал этишга қаратилган ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш юзасидан чора-тадбирларни рағбатлантириш - унинг бош мақсадларидир.

Ушбу ярим асрлик юбилей кунларида БМТ ўз мақсад ва вазифаларини уддаламоқдами, у инсоният олдидаги бурчини адо этмоқдами деган саволлар тугилиши табиий. «Ҳа» ёинки «Йуқ» каби содда жавоблар ҳеч кимни қаноатлантирмаса керак, чунки улар масаланинг моҳиятини очиб бериш учун мутлақо етарли эмас.

Илло, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йил ичида ута мураккаб йўлни босиб ўтди. Унинг тарихи инсоният кейинги ярим асрлик тарихининг инъикосидир.

Маълумки, БМТ тузилганидан кейин кўп ўтмай машъум «совуқ уруш» бошланиб кетди. Ғарбу Шарқда ҳарбий блоклар пайдо бўлди, қуролланиш пойгаси авж олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти икки сиёсий тизим, икки дипломатия, икки мафкура ўртасидаги курашнинг бош майдонига айланди. Оқибатда кўплаб долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этиб бўлмади. Мана, бир мисол. 1945 йилдан буён сайёрамизда 100 дан ортиқ йирик маҳаллий низолар юз берди. Уларнинг мутлақ кўпчилигини тўхтатиш, можароларни бартараф этиш юзасидан БМТ етарли даражада қатъият курсатаолмади. Ташкилот аъзолари ўртасидаги қарама-қаршилик, муросасизлик бунга йўл бермади. Чунончи, ушбу масалалар бўйича рақиблар Хавфсизлик Кенгашида вето(ман қилиш) ҳуқуқидан 297 марта фойдаланишган экан.

80-йиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун мухолифлик, ожизлик ва ноаниқликдан аста-секин қутилиш, нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланиш даври бўлди. Халқаро майдонда кескинликни юмшатиш с

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

УМР ЧИРОҒИ

Эшикдаги бир парча қоғозга:»Агар врач бўлсангиз - кираверинг,эшик очиқ.Онам уйда ётибдилар.Мен ҳам тезда қайтаман»,-деган ёзувни ўқиган Анисахон ая хонага дадил кириб бордилар.Уйнинг тўрида чеҳралари сўлғин, кўзларида умид сўнган она хорғин ётарди.

-Ассалому алайкум,бемор сизми?Мен врач Аниса Умарова бўламан.Чақиртирган экансизлар...Ие...Сиз нега кўрпа-ёстиқ қилиб ётибсиз? Касалингиз оғир бўлмаса ахир. Ўрнингиздан туринг,ҳаракат қилинг,қонингиз юришади.Сизнинг ёшингизда ҳадеб ётавериш ярамайди.Ётганингизни кўриб қизингиз ҳам сиқилади.

-Тўғри айтасиз,қизим бояқишни чарчатиб қўйдим.Тун-кун мен билан овора.Бунинг устига ишдан хориб келади,"ҳа"дегани ҳоли ҳам бўлмайди.

-Ана,кўрдингизми?Касал-касалмас,боққан-касал.Сизнинг эса касалингиз оғир эмас,фақат дармонсизлигинги бор.Ўзингизни қўлга олиб,қизингиз келгунича битта овқат солиб қўйинг,уйнинг у ёғ-бу ёғини йиғиштириб қўйинг.Қизингиз ҳам ҳурсанд бўлади, қонингиз ҳам юришади.Яна ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб, қувватга кириб кетасиз.Қани,туриб ўрин-кўрпаларингизни йиғиштириб қўйинг-чи,бинойидексиз.

-Ростми,дўхтир,тузалиб кетаманми,-бемор севиниб,кўзларида умид учқунлари ёнди.

-Албатта соғаясиз.Арзимаган касалга асло енгилманг.Касал -сизни эмас,сиз уни енгишингиз керак!- Аниса Умарова лабига табассум югурган бемори билан хайрлашиб кетаркан,йўл-йўлакай ҳаёллари билан бўлиб,ишхонага етиб келганини билмай қолди.

Ишидан қайтган қиз уйнинг саранжом-саришталигини,овқат ҳам тайёрлигини кўриб ажабланди.

-Дўхтир келдими?-сўради у безовталаниб.

-Ҳа,жуда ширинсухан аёл экан.Баъзи одамларнинг қадами қутлуғ бўлади,улар билан сўзлашсанг ўзингни енгил сезасан.Барака топгур дўхтир мени обдон текширди.Нима деркин деб юрагимни ҳовучлаб тургандим,худди мени азалдан биладигандай кўнглимни топиб-топиб гапирса-я...Суҳбатлашган саринг кўнглинг ёришади.Қанийди,ҳамма ҳам шундай бўлса.

Онасининг тетиклашиб,ҳаяжонга тўлиб-тошиб сўзлаётганини кўрган қиз фокор аёл уни қарши олди:

-Мени сўраган экансиз?Тинчликми?!

-Ҳа,ҳа,тинчлик.Ҳам ташаккур айтай,ҳам сиз билан гаплашиб кетай деб келгандим.Кеча уйимизга борган экансиз,раҳмат...-қиз гапини айтиб ҳам тугатмади,врач илиқ табассум билан:

-Ҳа,онангизга ўхшаб турибсиз,тузукмилар? -деб сўради.

-Кеча уйга келиб,кўзларимга ишонмай қолдим.Ҳаммаёқ саранжом-саришта,овқат тайёр,ойимнинг кайфиятлари ҳам аъло.Хурсанд бўлиб кетдим-у..,лекин ойимнинг касаллари сиз айтганчалик енгил дард эмас-ку.Касаллик варақасидан ҳам билган бўлсангиз керак?

-Ҳа,биламан синглим,лекин инсоннинг юзи иссиқ,ҳаммамиз ҳам тирик жонмиз.Чиқмаган жондан умид.Ойингизга ўхшаган касал беморларнинг қанчадан-қанчаси шу усул билан тузалиб кетишган.

Қиз юрагига ишонч туйғуси қўнди.У шифокорнинг меҳр билан боқиб турган кўзларига умид тўла кўзларини тикиб хайрлашди.Шифокор ҳузурига кириш учун шайланиб турган бир аёл юрагини тўлқинлантириб юборган бу лаҳзани кўргач беихтиёр:

-Кечирасиз,фаҳмлашимча,дўхтир учун бемор-у, унинг яқинларининг миннатдорчилигидан ортиқ мукофот бўлмаса керак,- деб юборди.-Айрим оқ халатлиларга ҳайрон қоламан,-давом этди гапида у Аниса Умаровага мурожаат қила туриб.-Мана,мен ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа.Қайси куни икки киши кўчада гаплашиб тургандик,бир врач танишим келиб биз билан сўрашди-да,шеригимга «вой,бунча рангингиз синиқиб,сарғайиб кетибсиз,касалингиз оғирга ўхшайди,ўзингизни бир текширинг»,-деди. Мен суҳбатдошимнинг ранги бирданига қув учганини кўрдим-да,ҳолатни юмшатиш ниятида «Йўг-э,ваҳима қилмаг,ранглари бинойидек» дедим.Шифокор эса «биз врачмиз,кўзимиз ўткир,даволаниглар деб тўғрисини айтамиз қўямиз.Мана,ўзингиз ҳам лабингизга бир қаранг-кўкариб қолибди»деса бўладими.Уйга келиб ҳадеб ойнага қарайман,лабим кўкаргандек туюлаверади,бирам юрагим сиқилади. Поликлиникага борай десам,анчагача вақт тополмадим.Иштаҳам яхши,ўзимни ёмон ҳис қилмайман-у, лабларимга қарасам-кўкарганга ўхшайверади.Инсон табиати қизиқ.Бир оғиз сўз билан соғ одам касал,бемор эса соғаяди.Докторларга кўп нарса боғлиқ экан,-дейди аёл хўрсиниб.

Аёлнинг эҳтиросли сўзларини диққат билан тинглаган Аниса ая:

-Ҳа,синглим,инсон бу беш кунлик ғанимат дунёда бир-бирига яхшилик тилаб яшаши керак.Афсус,буни кўпда билавермаймиз.

-Сизга ўхшаган фаросатли,зукко меҳрибон докторлар сони кўпайсин-да.Ана шунда одамлар камроқ касал бўларми...-дейди аёл.

...Анисахон ая ҳаётида шунга ўхшаш миннатдорчилик сўзларни кўплаб эшитди.Кўзни очиб юмгунгача ёшлари 70 га ҳам етибди.»Аллоҳ шу ёшга етказганига шукур!-дейди у ёши улуғ аёлларга хос салобат билан.-Бутун умрим давомида одамларнинг оғирларини енгиллатиб,беморларимга Аллоҳдан ҳамиша саломатлик сўраб,меҳнатимни аямасдан шифо бериш учун ҳаракат қилиб яшадим. Бир этак болаларим билан ишлаб ўқиганларим,кутубхоналарга қатнаб,илм олишга интилганларим-ҳаммаси асқотди.Энди ҳузурини кўряпман.Қизларимнинг бириси Дилбар Азизова Тошкент вилояти Зангиота туманида бош шифокор,иккинчиси - Дилоромхон Ҳамдамова,Ўзбекистон телекомпаниясидаги «Маърифат ва фан» таҳририятида бўлим мудири,ўғлим Даврон Умаров Спорт лотереяси Республика Ассоциациясининг бош директори,кичигим Санжар Умаров эса автомобиль транспорти бўйича етакчи мутахассис.Ўн тўрт набирага бувиман,ҳозирча битта эварам бор.Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг 2-терапия клиникасида хизмат қилар эканман,ишларимда менга яқиндан кўмак берган Ўлка тиббиёти илмий-текшириш институтининг илмий ходими,доцент Улуғбек Акбарович Аскаровнинг номларини тилга олгим келади».

Аниса ая шифокор сифатида беморларни ширин сўз ва меҳр билан,ўз организми-ю соглигига ишонч ва умид боғлаш билан даволаш тарафдори.«Касал кишига юзлаб дори-дармон берсангиз ҳам у соғайиши қийин бўлиши мумкин.Лекин энг оғир беморни ҳам илиқ сўз-у эътибор оёққа турғизиб юбориши ҳеч гап эмас» дейдилар Ая.Шунинг учун бўлса керак,бу шифокор аёлнинг шиори «Меҳр - соғликнинг гаровидир» деган сўзлардан иборат.

Инсон саломатлигининг посбони бўлган Анисахон аядек шифокорларимиз беморлар бахтига, ойласи-ю яқин-ёроқларининг бахтига яна кўп йиллар соғ-саломат бўлиб юрсинлар.

Юзга кириб,ширинсўзлиқда,меҳр-оқибатда,билимдонлик ва инсонийликда барча ҳамкасбларингизга ибрат бўлинг,Аяжон!...

Фарида УСМОНОВА, шоира.

Газетхон...

...хабар қилади

ШИНАМ МАСКАН ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Қибрай туманидаги Ўнғқўрғон қишлоғида Ўзбекистон нефть ва газ саноати миллий корпорацияси ходимлари учун шинам дам олиш маркази барпо этилмоқда. Қурилишда асосан Хоразмдан келган бинокорлар — «Жанубийгазқурилиш» трестига қарашли Хива механизациялашган қўчма колоннаси ишчи-хизматчилари меҳнат қилмоқдалар. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қунига икки маҳал иссиқ овқат ва эрталаблари нонушта берилмоқда.

Ўз қасбининг усталари Илҳом Матёқубов, Жуманазар Бобожонов, Жуманиёз Саъдуллаев, Сапарбой Мадраҳимов, Бахтиёр Ҳужаев, Хударган Аминовлар кўпчиликка ўрнак. Тамара Жабборова, Қувондиқ Бекжонов каби бунёдкорлар эса пардозлаш ишларини рисолагидек олиб боришяпти.

Ойлик маош ишбай усулида тўланаётир. Махсус автобус қурувчилар хизматида. Дам олиш марказини қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

Бекажон ОТАЖОНОВА.

...миннатдорчилик билдиради

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН

Яқинда фарзандим шамоллаб, Тошкент Педиатрия институти зотилжам касалликлари бўлимига ётқизилди. Бу ерда ширинсўз, меҳрибон шифокорлар кўплигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Болаларнинг тезда соғайиб кетишлари учун барча шарт-шароитлар мавжудлигини кўриб мамнун бўлдим. Даволаниш хоналари ёг тушса ялагудек.

Бўлим жонкуярлари зарур бўлганда ўз-ёрдам ва маслаҳатларини аямайдилар. Улар учун кечаю-кундуз баробар десам, хато қилмайман. Керакли дори-дармонлар бўлимнинг ўзидан топилади.

Фарзандим ўз вақтида кўрсатилган тиббий, физиотерапевтик муолажалар туфайли тез кунда соғайиб кетди. Бунинг учун бўлим шифокорларига миннатдорчилик билдираман. Айниқса, клиника раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Фурқат Шамсиев, бўлим мудири Нафиса Ҳайитова, бош ҳамшира Муҳайё Абдусаломова, ҳамширалар Шоҳида Раҳматова, Ёқут Исматова, Наргиза Мирбобоева, Шоира Нигматовалар хизматидан беҳад мамнунман.

Қўлингиз асло дард кўрмасин, оқ халатли нажоткорлар!

Раъно МАҲКАМОВА, Тошкент шаҳри.

...мулоҳаза юритади

САЛОМАТЛИК УЧУН ФОЙДАЛИ

1976 йилдан буён Чорсудаги ҳаммомнинг мижозиман. Шу давр мобайнида ўз тажрибамда синаб кўрган баъзи табиий муолажа амаллари ҳақидаги мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Доридан заҳарланиш оқибатида1965 йил бир буйрагимдан ажралганман. Чорсу ҳаммоми шу чоққача мен учун сунъий буйрак вазифасини бажармоқда, дейишга тўла асосим бор. Бу ҳаммомнинг афзаллиги шундаки, аввало суви қайнаб туради, пушлари бор, махсус супачалар тўшлаш газ билан иситилади. Ҳаммом ичининг баландлиги 4-5 метрдан кўп бўлмаса керак.

Мен одатда умумий хонада 1,5 — 2 соат ювинаман. Душда 8-10 минут бошни, сунгра танани, оёқларни 3 мартадан кир совун билан юваман, кейин эса совун ишлатмайман. Маълумки, кирсовунда ишқор кўп. У тери устидаги ёгсимон моддаларни эритиб, ювиб чиқаради, тана терисидаги ҳужайраларнинг юзасини юмшатади, тернинг енгилгина чиқиб кетишига имкон туғдиради.

Душдан чиққач, супачага ўтириб дам оламан. Сунг чалқанча ётиб аввал унг, кейин чап томонга ёнбошлайман. Бунда қўл ҳаракатда бўлиши, баданни эса ишқалаб туриш керак. Чунки тер секин-аста чиқади. Орадан 20 минут ўтгандан кейин яна душ қабул қиламан, супачага 2-3 тоғора қайноқ сув сепиб, чалқанча ётаман. бу ҳол 3-4 бор такрорлангач, тер чиқиши тезлашади, танамдан сув бўлиб оқади. Натижада қондаги мочевина, шўр тузлар, зарарли моддалар тер орқали чиқиб кетади. Душ сув эса, бадандаги зардобларни ювиб туради ҳамда одамни чанқатмайди.

Ювиниш жараёни бир соатдан ошгач, юрак уриши тезлашади. Шунда салқин хонага чиқиб, дам оламан. Муздек жойга қизиб турган тана билан асло ўтириш мумкин эмас. 20 минутдан сўнг тер чиқиши секинлашади.

Юрак уриши меёрга яқинлашгач, душда 2-3 минут ювиниб чиқаман. Узим қўшдек енгил буламан, юрак қисишлар йўқолади, асабларим жойига келади, кўзим эса янада равшанлашиб кетгандай туюлади. Ҳамомдан сўнг қизиб турган танага муздек сув, пиво ичиш, қовун, тарвуз ейиш, папирос чекишлардан узни тийиб турган маъқул. Қўк чойни бир чақмоқ қанд билан ичиш жуда фойдали.

Шоназар ШОРАҲМЕДОВ, Тошкент тумани, «Ўзбекистон» маҳалласи.

...таклиф этади

ИМТИЁЗЛИ ЧИПТАЛАР БЕРИЛСА...

Ўқитувчилик — шарафли касб. У инсонни шакллантиради, ёш авлодни тарбиялайди, илм беради. Ҳукуматимиз бу касбнинг нозик, мураккаб, айни дамда масъулиятли эканини ҳисобга олган ҳолда улар учун турли имтиёзлар яратмоқда. Ҳозирги ўтиш даврининг қийинчиликларидан баҳоли-қудрат ҳимоя қилмоқда.

Жумладан, мактаб ўқитувчиларига шаҳар транспортида юриш учун бепул ойлик чипталар бериш йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртлари муаллимлари учун ҳам ана шундай имтиёз жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Ўзбек тили» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманини ким билмайди? Юртимизда ширин-шакар олмаларию анжирлари, анор-у узумлари, бол таъми қовун-тарвузларини татмаган бирон бир киши бўлмаса керак. Ҳар галгидек бу йил ҳам булунғурлик деҳқонлар эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдирдилар. Улар 50 минг тонна узум, 50 минг тонна ҳар хил мева-сабзавот етиштириб давлатга топширдилар.

Булунғурлик деҳқонларнинг имкониятлари Буюк британиялик доктор Алекс Шенни қизиқтирганлиги туфайли, у Лондоннинг Европа уюшмаси табиий заҳиралар институти вакили сифатида туман раҳбарлари билан «Таъсис» лойиҳасини ишлаб чиқиб, саноатда таъсис этиш бўйича контракт тузди. Бу лойиҳанинг мазмуни: ишлаб чиқариш — қайта ишлаш — қадоқлаш-маркетингдан иборатдир.

Суратда: Ҳўроз Оқбўтаев бригадасида етиштирилган узум йиғиб жўнатилмоқда.

Бригадир Эсиргап Иброҳимов билан деҳқон Ориф Бўтаевлар.

Тасвирчи: Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Маданият хабарлари

Саҳнада янги асар

ЖИЗЗАХ вилоят қўғирчоқ театри санъаткорлари Манон Уйғур номидаги санъат институтининг кафедра мудири Марям Ашурованинг «Оби ҳаёт» спектаклини саҳналаштирдилар.

Асар бугунги куннинг экологик масалаларига бағишланган. У фарзандларимизни она табиатга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Спектаклдаги асосий ролларни истеъдодли артистлардан Жаҳонгир Муҳторов, Иброҳим Жиянов, Зиёда Жияновалар ижро этишган.

Жиззахлик санъаткорлар мазкур асарни Республика қўғирчоқ театрларининг фестивалида ҳам намойиш этишади.

Хуш-хабарнинг қаноти бор

ЯНГИ УЙЛАР

Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари қўшалоқ байрамни нишонладилар. Қирғули даҳасида қад ростлаган 48 хонадонлик турар-жой биноси «Азот»чиларга мустақиллик байрами арафасида тантанали суратда топширилди. Бинони 3-қурилиш-монтаж кооператив ишчилари Улуғбек Норматов бошчилигида «Азот» бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшмаси буюртмасига кўра тез ва сифатли қуришга ҳаракат қилдилар. Бинонинг қуркамлиги, иш пишиқ-пухта бажарилганлиги, ер ости тармоқларининг сифатлилиги ишчиларни беҳад хурсанд қилди. Янги уйларингиз муборак, азиз ишчилар!

САҲОВАТ

Қувасойлик тадбиркор савдогар Набижон Маҳмудов ўзи туғилиб ўсган Валик қишлоғи болалари учун 442 ўринли янги мактаб биноси қуриб берди. Тўрт миллион сум пулни у ўзи раҳбар бўлган «Имкон» ЛТД фирмаси даромадидан сарфлади. Мактаб биринчи сентябрь куни жуда катта тантана билан 14-мактаб ўқувчиларини ўз бағрига олди.

Саҳоватингизга балли, Набижон!

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Қува туманидаги Мамарайим Раҳматов номли ва Шараф Рашидов номли жамоа хўжаликларида аёлларга бериладиган ҳомиладорлик таътилини 5 ойликдан жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу имтиёз бўлажак оналарнинг ва ёш авлоднинг сиҳат-саломатлигини таъминлаш йўлидаги муборак қадамлардан биридир.

С. МАҲМУДОВА, «Ишонч» мухбири.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллиги олдидан

АТОҚЛИ МАЪРИФАТПАРВАР

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси Туркистонни босиб олгач, ўлка халқлари мустабидлик тузумига қарши эрк учун кураш бошладилар. XIX асрнинг охирида содир бўлган Пўлатхон ва Дукчи эшон қўзғолонлари, Тошкентдаги вабо исёни, Самарқанд ва Фарғонадаги қўтарилишлар — миллий озодлик ҳаракатлари эди. Бу исён ва қўзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилди. Мустамлака зулми остида эзилган туркий халқлар нажот йўлини маърифат ва илмда деб билиб, зиёлиларга эргаша бошладилар.

Маърифатчилик — жадидлар (янгилик яратувчилар) ҳаракатининг бош ғоясига айланди. Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий (1876-1919) ана шу ҳаракатнинг бошида турганлардан бири эди. У миллий озодлик йўлида кескин ҳаракатларни, қонли курашларни қабул қилмади, балки тинч сиёсий мулоқотлар билан озодликка эришиш мумкин, деб ҳисоблади. Мустақиликка эришиш йўлини ижтимоий тараққиётда, ўлканинг равнақида кўрди. М. Беҳбудий бутун фаолиятини, билими, тажрибасини, шижоатини жадидлар ғоясини амалга оширишга сарф этди. Унинг сиёсий-ижтимоий мавзудаги қатор мақолалари «Туркистон вилоятининг газетаси», «Хуршид», «Тужжор», «Самарқанд», «Ҳуррият» ва бошқа газеталарда мунтазам чиқиб турди.

Мутафаккир олим М. Беҳбудий инсониятнинг бахтли жамият қуришини диёнатли, адолатли, ҳақиқатпарвар ва халқпарвар кишилар билан боғлади.

Шу боис у чор тузумининг ағдарилишини катта қувонч билан қутиб олди ва 1917 йилги февраль инқилобидан сўнг тинч йўл билан мустақилликка эришиш имкониятларини изларди. Дастлаб Россия давлати ичида мухторият тарзида Туркистон давлатини юзага келтириш мумкин, деб ўйлаб, бутун фаолиятини ана шу мақсадга қаратди. 1917 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган қурултойда демократик республика тузиш тарафдорлари қаторида бўлди.

Лекин большевиклар Туркистонда ҳокимиятни қўлга олишаркан, «маҳаллий» миллатлар фикрини иккинчи даражали, деб билдилар. Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган қурултойи Туркистонда социалистик инқилоб амалга ошганини эълон қилса-да, маҳаллий аҳолини тўлқинлантириб келган муаммо — мухториятмасаласини ҳал қилмади. Шу сабабли Туркистон зиёлилари 1917 йилнинг декабрь ойида Қўқон шаҳрида қурултой чақиришга қарор қиладилар. Самарқандлик «иттифоқчи»лар қурултойга 53 вакилини юборди. Улар орасида М. Беҳбудий ҳам бор эди. Катта қийинчиликлар билан тузилган Туркистон мухторияти узоқ яшамади. Қўқон большевиклар томонидан қонга ботирилди.

Маҳаллий миллат вакиллари, зиёлилари шўро идора ва муассасаларига кириб ишлай бошладилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам Самарқанд вилоят маориф комиссарлигининг мусулмон шўъбасига мудир этиб тайинланади. Аммо у номигагина мудир эди. Шуъбага тааллуқли масалаларни асосан русийзабон ходимлар ҳал қилиб юбораверардилар. Лекин Беҳбудий имкони борича халқ манфаатларини ҳимоя қилди, шўро раҳбарларига мурожаатлар йўллади. Чунончи, у 1918 йил июль ойида маориф ходимлари қурултойида қатнашиш учун Тошкентга келиб, маҳаллий халқни тўлқинлантириб турган айрим муаммолар хусусида Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Тоболин билан суҳбатлашади, шўро ҳукуматининг муайян сиёсатига муносабатини билдиради.

Маълумки, шўро ҳукумати 1918 йилда ҳарбий коммунизм сиёсатини жорий қилганди. Бу сиёсатга биноан, ҳар бир деҳқон оиласига муайян миқдорда озиқ-овқат қолдирилиб, ортгани «умум фойда»сига олинган. Бозорда озиқ-овқат сотиш ман қилинган. Бу борада М. Беҳбудий қуйидаги таклифни киритади: «Бозор очиқ бўлсун, аммо вилоят ва уезддан ғалла чиқарилмасун ва анбордорларнинг ғалла олиши ман қилинсун. Такса, қатъий баҳо асло бўлмасун». Муфтий ҳазратларининг яқин шогирдларидан бири Ҳожи Муъин Шукрулло ўғли 1924 йилда М. Беҳбудий ва йўлдошларининг қатл этилганига 5 йил тўлиши муносабати билан ёзилган ёдномасида шундай деганди: «Беҳбудийнинг бир мақсади халқни уқишга ташвиқ этиш ва халқ болаларини ички Русия ва ташқи мамлакатларга юбориб ўқитдириш, иккинчи мақсади Туркистонда ерлик халқдан аскар тузиш эди».

Афсуски, бу ниятлар амалга ошмади. Чунки ўша вазиятда маҳаллий миллатдан аскар тузиш ҳақида гап бўлиши қийин эди. Туркистон коммунистларининг I съездида Марказий Ижроя Қўмитаси раиси Тоболин социалистик инқилобни ҳимоя қилиш, тўғрироги, шўроларга қарши қурол олган «босмачи»ларни йўқ қилиш учун маҳаллий аҳолидан армияга сафарбарлик ўтказиш масаласини ўртага ташлайди. М. Беҳбудий бу масалада ҳам ўз фикрини баён қилиб, ҳозирча фақат қунгиллиларнигина армияга олиш керак, деган таклифни киритади. Бу эса шўро ҳукумати раҳбарларига мақбул бўлмаслиги аниқ эди.

Ер тақсимоти масаласида ҳам Беҳбудий маҳаллий шароитни ҳисобга олиш талабини қўяди. Яъни, «ҳукумат бир қонун чиқарсин-ки, токи майда деҳқонларнинг ерига, кичик корхоналар эгаларининг мулки бўлмиш тегирмон, устахоналарга тегилмасин», дейди. Манбаларда қайд этилишича, Тоболин бу таклифларнинг муҳимларини ёзиб олган ва барчаси устида ўйлаб кўраман, маъқулларини дарҳол амалга ошириш учун кўрсатма бераман, деб ишонтирган. Бундан мутаассир бўлган Беҳбудий: «Мен шундан билдимки, маъқул сўзни большевик ҳукумати эшитар экан, айб ўзимиздаки, қўшилмаймиз ва ўзли юриймиз», — дейди.

Зукко Беҳбудий шу ўринда большевикларга алданади. Ўзининг таклифлари билан у шўро ҳукумати йўлига ғов бўлаётганини, хавфли шахс сифатида «қора рўйхат»га киритилганини чуқур англаб етмайди. Зотан, у халқ, Ватан йўлида хавф-хатардан чўчимайдиган, эрк ва озодлик ишига жонини тиккан инсонлардан эди.

Унинг ўзи ижтимоий ҳаётда фаол қатнашар экан, бошқаларни ҳам халқ, Ватан учун жон қуйдиришга чақиради: «... қануз халқимиз уйқуда бўлуб, ўз наъфи ва зарари учун қайгурмай, болта келгунча қундадек ётадур. Устига бир юкни қўйгондан кейин дод деюрки, ул вақтда иш ўткан бўлур».

Табиийки, ана шундай миллатпарварлик сабабли шўро маъмурлари Беҳбудий сиймосида ўзлари учун хавфли шахси кўрганлар. Чунки, у маҳаллий аҳолининг манфаатига зид қарор ёки хатти-ҳаракат бўлса, дарҳол ўз муносабатини билдирган, раҳбарлар диққатини бунга жалб этишга уринган. 1919 йил бошида содир бўлган Осипов воқеаси туфайли Туркистонда пайдо бўлган аҳвол тўғрисида яхшироқ тасаввур ҳосил қилиш учун, М. Беҳбудийнинг сирли ўлими ҳақида Садриддин Айний «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1920 йил 8 апрель сонида билдирган мулоҳазаларига кўз югуртирайлик: «Большевик исминдан Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида кўб тартибсизликлар бўлди. Баъзи бир ишларни муфти Маҳмудхўжа маҳаллий ҳукуматга ё Тошкентга бориб, маъруза бериб, ислоҳ қилдириб турди. Осипуф воқеасидан сўнгра ҳеч ким ҳеч нарсани тингламайдургон бўлди. Шўролар ҳукуматининг ҳақиқий пруғроми ва Москванинг хато ҳаракати Маҳмудхўжа ва Мардонқулларга маълум эди. Эҳтимол, булар Москвага бориб, Туркистоннинг фожеали ҳолларини марказ ҳукуматга маъруза қилиб ислоҳот ражо қилмоқчи бўлсалар, зотларни танийдиргонларга маълумдирки, булар халқ ва юртнинг манфаати учун ҳар бир таҳликани кўзга оладургон эрлар эмас эдилар».

Мана шундай бир шароитда, бизнингча, М. Беҳбудий ҳазратларининг Москвага бориши мантиқсизлик бўларди. У бир неча бор большевикларга мурожаат қилди, улар ҳар доим сўзларида собит турмадилар. Қўқон воқсаларини кўрди, Самарқандда муъжиза юз бериб фожеанинг олди олинганини билди, сўнг Осипов исёни муносабати билан Самарқанд аҳолиси бошига тушган кулфатларнинг гувоҳи бўлди. Буларнинг барчаси уни «большевикларга ишониш мумкинми, йўқми», деган иккиланиш қайфиятидан бутунлай, ўзил-кесил бир хулосага олиб келди: «Большевикларнинг сўзига, ваъдасига ишониб бўлмайди, улар бебурд, диёнатсиз кишилардир». Мана шу қарорга келгач, у, бизнингча касал бўлишига қарамай, хорижга бориб, обрўли ташкилотлар орқали большевиклар сиёсати, Туркистоннинг фожеали аҳволи тўғрисида ҳақиқий вазиятни жаҳон жамоатчилигига билдириш учун бир гуруҳ сафдошлари билан йўлга отланган. Аммо уларнинг саёҳати фожеа билан тугайди. Сафардан хабар топган большевик маъмурлар уларни ё ўзлари «гум» қилганлар, ё гиж-гижлашу маълумотлар етказиб орқали Бухоро амирининг қўли билан маҳв этганлар. Ҳар қалай шундай таҳминлар бор. 1924 йилгача М. Беҳбудий хотираси ёд этиб келинди. Ҳатто Қарши шаҳрига М. Беҳбудий номини бериш ҳақида таклифлар ҳам бўлган.

Табиийки, булар вақтинчалик, маҳаллий аҳолининг кўзини боғлаш ниятида қилинган иш эди. Большевиклар кўзлаган мақсадлари амалга ошиб, шўро ҳокимияти мустаҳкамланганидан кейин М. Беҳбудийни унутдилар, унинг номини тилга олишни ман этдилар. «Самарқандниг эски шаҳрида Октябрь» китобида шундай дейилади: «Жадид бошлиқлари Беҳбудий ва Шакарбоновлар шўролар ҳукуматидан қочиб Қаршига кетадилар, у ерда бутунлай ён беришларга борган ҳолда Бухоро амири билан боғланишга ҳамда Туркиядан Анвар подшони чақиришга ҳаракат қиладилар. Лекин Амир тарафдорлари уларнинг мақсадларини тушунмай, уларни ўлдирганлар. Пировардида Бухоро хони Саид Олим ўзининг қилган ишига афсусланганди». (40-бет)

Бу гаплар гирт ёлғонлигига шубҳа йўқ. Аввало, Беҳбудий шўро ҳукуматига на Бухоро амири, на Анвар подшо бас кела олишини яхши тушунган. Иккинчидан, қон тўкилишини истамаган Беҳбудий Туркистонни уруш олови ичида қолишини сира истамаган. Албатта, бу муаммони келажакда олиб бориладиган тадқиқотлар, архив ҳужжатлари, ўзил-кесил ҳал этади. Шундай бўлишига шубҳамиз йўқ. Зеро, истиқлол учун, Ватан учун шаҳид бўлган М. Беҳбудийдек фидойи инсонлар халқимизнинг фахри ва ғуруридир.

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ, ТошДУ доценти.

БМТ ташкил топганлигига 50 йил тўлди

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН

тараф этиш учун БМТ саъй-ҳаракатлар қилган, низолар 1988 йил бошларида 11 тадан 1994 йил охирларида 28 тагача қупайган. Агар жаҳон ҳамжамияти турли сабабларга кўра аралашмаган можароларни ҳам ҳисобга олсак, маҳаллий низоларнинг умумий сони анча катта рақамни ташкил этади.

Бундай низоларнинг айримлари узоқ муддат давом этиб, шу мамлакат ёки мамлакатлар иқтисодиёти, тараққиёти, халқига катта зиён етказиши билан бир қаторда минтақада жойлашган давлатлар осойишталигига, узоро алоқаларга, бутун дунё хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Қўшни Афғонистонда 1978 йилдан буён тўхтовсиз давом этаётган биродаркушлик урушн ана шундай тутаб келаётган хавфли учоқлардан биридир. Тоғли Қорабоғ масаласидаги арман-озарбойжон можаросининг бутун Қавказортидаги аҳволга салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам сир эмас.

Айниқса, собиқ Югославияда бундан уч ярим йил олдин келиб чиққан низо Болқон ярим оролига, қолаверса, бутун Европа қитъасига хавф солмоқда.

Маҳаллий низолар инсониятга жуда қимматга тушаётганлигини (1945 йилдан буён уларда қарийб 20 миллион киши ҳалок бўлди, фойдаланишга интилиши диққатга сазовордир.

Албатта, инсоният тўқнашаётган бошқа хавф-хатарлар ва улар келтираётган зиён ҳам оз эмас. Қашшоқлик, касалликлар, очарчилик, гиёҳвандлик, террорчилик, экологик муаммолар, табиий офатлар шулар жумласидандир. Ёки 17 миллион нафар қочоқларни, 20 миллион кўчирилган кишиларни эсга олинг. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган ташкилотлари бу йўналишдаги ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар. Чунончи, инсонпарварлик ёрдами доирасида очарчиликка учраган ва табиий офат руй берган мамлакатлар халқлари, қочоқлар, кўчирилганларга озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва чодирлар етказиб берилмоқда. Айрим ҳолларда инсонпарварлик ёрдамини қўрсатиш учун кўчга таянишга тўғри келмоқда. Масалан, Сомалида ҳамда Босния ва Герцеговинада шундай қилишга тўғри келди.

Мустақил Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига 1992 йилда қабул қилинганидан буён, у билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Республикамиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида унинг фаолиятига юқори баҳо бериб, ташкилотнинг нуфузини оширишга қаратилган аниқ таклифларни киритди. Марказий Осиё муаммоларига кўпроқ эътибор бериш, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳамжамиятнинг доимий семинарини таъсис этиш, қадимий буюк ипак йўлини тиклаб, ундан Ғарбу Шарқ ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришда фойдаланиш тўғрисидаги умидбахш ғоялар шулар жумласидандир. Юртбошимизнинг Орол муаммосини биргаликда ҳал этиш, Афғонистондаги биродаркушлик урушига чек қўйиш ва Тожикистонда тинчликни қарор топтиришда БМТнинг қўмагини оширишга доир ташаббуслари кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. И. Каримов Олий даражадаги Копенгаген учрашувида ҳам иштирок этиб, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш борасидаги ҳукуматимиз нуқтаи назарини баён этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарияти Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутган мамлакатимиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, у билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйди. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, маданий уйғониш, туризм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий ривожланиш, инсонпарварлик ёрдами масалаларида Узбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг қўмагини уюштирмоқда, юртимизни дунёга танитишга қўмак бермоқда. Тошкент, Самарқанд, Нукус, Бухоро, Урганчда унинг фаол иштирокида ўтказилган қатор конференция, семинар, симпозиум ва учрашувлар фикримиз исботидир. Фақат шу йилнинг ўзида БМТ ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкентда Узбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва БМТ билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш (20 январь), Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари (15-16 сентябрь), Нукусда Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши муаммоларига (18-20 сентябрь) бағишланган халқаро анжуманлар ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўз тарихининг иккинчи ярим асрига қадам қўйган муътабар халқаро ташкилот олдида талайгина умумбашарий ва минтақавий муаммолар турибди. Узбекистон Президенти БМТ 50 йиллигига бағишланган Бош Ассамблеянинг тантанали

Германиянинг «Винклер» фирмаси ишлаб чиқарган ускуналарда тайёрланган нонлар шаҳримиз аҳолисига манзур бўлмоқда.

Суратда: Маржона Зокирова биринчи маҳсулотни намойиш этмоқда.

Ш. ЗУФАРОВ (ЎзА фотохроникаси).

Бўюк ҳаж сафари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

...Ота-бола Арафот тоғи томон йўл олибдилар. Одам қиёфасидаги шайтон уларга рўбарў келибди. «Эй Иброҳим, шундай чиройли ўғлингни Худо йўлига қурбонлик қилишга олиб кетяпсанми? Битта-ю битта ўғлинг бўлса-ю, қандай кўзинг қияди, қўй, у яшасин»,— дебди.

Иброҳим а.с. эса: «Яккаёлғиз зурриётим бўлса ҳам Яратганнинг йўлига қурбонлик қиламан», — деб йўлда давом этаверибди. Дам ўтмай шайтон яна пайдо бўлиб, бу сафар Исмоил а.с.ни йўлдан оздиришга интилибди. «Эй Исмоил, сен эндигина ҳаётга келдинг, қара бу дунё қандай гўзал! Сен ҳали яшашинг керак, ҳаётдан лаззатланишинг керак, отанг бўлса сени Худо йўлига деб, суймоқчи, жонингни олмоқчи, қайт бу йўлингдан, орқанга қайт», дебди.

Исмоил а.с. Шайтонга ҳайф берибди. Гарчи падари бузруквори худо йўлида сўйишни лозим топган экан, демак, шундай бўлиши керак эканлигини англатиб, йўлига равона бўлаверибди.

Арафот тоғи оралигидан ота-бола кетаверибдилар. Шайтон ота-болани йўлдан озираолмаганидан аччиқланиб, одам қиёфасида энди Ҳожар она ҳузурида гавдаланибди: «Эрингни йўлдан қайтар, чиройли, ширин ўғлингни Аллоҳ йўлида қурбонлик қилмоқчи», — дебди. Ҳожар она ҳам вазминлик билан «Аллоҳ Таоло ўзи берган фарзандинг ўзи йўлида қурбонлик қилинишига мен нечук қаршилик қилай», — дебдилар. Найранги бежавоб қолган шайтон уларнинг иймони қатъийлигидан ҳеч натижага эришолмабди. Ва қайтиб кетибди.

Ота-бола Арафот тоғига чиқишибди. Сўнг Иброҳим а.с.нинг юз-кўзларига термулиб Исмоил а.с.: «Сени шу тоғда қурбонлик қилишим керак», — дебди. Шунда Исмоил а.с. «Отажон, Сиз рози — Худо рози... Пичоғингизни ўткир қилиб чарҳланг, қўл оёғимни маҳкам қилиб боғланг, токи менинг оёқ-қўлларим сизга озор етказмасинлар... Менинг юзимни ўзингизга тескари қилиб ётқизингки, бўғзимга пичоқ тортганингизда кўзларим сизнинг табаррук кўзларингизга қаттиқ термилиб қолмасин», — дебди. Шундан сўнг Иброҳим алайҳис-салом пичоқни олиб, Аллоҳ учун Худонинг ризолигида қабул айлагайсан, бисмиллоҳ, Аллоҳу Акбар», — деб тортмоқчи бўлиб турганларида Исмоил а.с.: «Отажон, сабр қилинг, менинг қўл-оёқларимни ечинг, ўзимни сўйишга шундоқ тутиб турайин, Шайтон йўлидаги душманларингиз бу ҳолатдан фойдаланиб Иброҳим ўғлини мажбурлаб, боғлаб, қўйиб сўйди, деб таъна қилмасинлар», — дебди-да, ўзини шундоқ қина сўйишга тутиб турaверибди.

Иброҳим алайҳис-салом бу сафар ҳам «Аллоҳ учун, унинг ризолигида қабул айлагайсан, бисмиллоҳ, Аллоҳ Акбар», деб пичоқни Исмоил а.с. бўйниларига тортибдилар, пичоқ ўтмабди... Уни яна чарҳлабдилар, қилич ёрар даражада ўткир қилиб, икки марта Исмоилнинг бўйнига солибдилар, пичоқ эса яна ўтмабди. Жаҳл қилиб пичоқни тошга урган эканлар, тош иккига кесилиб кетибди. Шу пайт бир фаришта юзланиб: «Эй Иброҳим а.с., биз сенга ишондик, сени пичоғинг жуда ҳам ўткир. Лекин бу пичоғинг билан Исмоил а.с. бўғзи терисининг орасида менинг қанотим бор эди. Аллоҳнинг хоҳиши билан пичоғинг кесмади. Ҳув тоғнинг у ёғига қара», — дебди фаришта. Иброҳим а.с. Арафот тоғининг нариги томонида қаттакон шоҳдор қучқор маъраб келаётганини кўрибди. Худонинг амри билан қурбонликни ўтказишибди. Фаришта Исмоил а.с.ни ўрнларидан турғизиб, юз-кўзларидан қучиб, яратганга шукроналар айтибдилар...

Қўшоқбой ҳожи ҚОСИМОВ.

(Давоми келгуси сонда).

Спорт НОГИРОН ДЕМАНГ, БИЗНИ...

Шу кунларда Тошкент спорт масканларида давом этаётган спартакиада баҳсларида ана шундай нафас ҳукм сураётгандек. Боиси, юртимизда биринчи марта халқаро ногиронлар кунига бағишлаб спартакиада мусобақалари ўтказилмоқда.

Спартакиаданинг тантанали очилиши ўтган куни Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерация Кенгашида бўлиб ўтди. Уни ташкилий қўмита раиси — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Т. Собитов очди. Ўзбекистон республикаси ижтимоий таъминот вазири — спартакиаданинг бош ҳаками Б. Умурзоқов ва бошқалар табриклидилар.

Спартакиада бор йўғи турт кун давом этади. Лекин шу кунлар мобайнида ногиронлар кунглида ижобий ва руҳий ўзгаришлар бўлиши, қайфиятларининг кўтарилиши табиий.

Мусобақалар спортнинг мини-футбол, оғир атлетика, шахмат-шашка турлари бўйича ўтказилмоқда. Спартакиаданинг тантанали спилиш маросимини ўзига хос байрамга айлантириш кўзда тутилган. Шанба куни «Туркистон» саройи ҳар қачонгидан гавжумлашади. Бу ерда «Жасорат — Ирода — Ғалаба» шиори остида ўтказилган мусобақа ғолибларини шарафлаш ва мукофотлаш маросими бўлади. Биронта ҳам спортчини назардан четда қолдирмасликка эътибор қилинади.

Мирзо АНВАР.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

(20.11 — 26.11 ҳафтаси учун)

ДАЛВ (20.01 — 18.02) туғилганлар учун бу ҳафта жуда омадлидир. Хусусан, ишхонада ижодий ва илмий соҳада катта-кичик ҳурсандчилик ҳолатларига рўбарў келинади. Оила бюджетига яхшигина маблағ тушиши мумкин. Ҳафта давомида узоқ вақт кўришмаган биродарлар билан учрашиш, яқин қариндошлар, беморларнинг шифо топиши каби яна бир қанча қувончли воқеаларга шоҳид бўлурлар. Бу кунларда камбағал бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш каби мурувватли юмушлар яна кўпгина муваффақиятларга асос бўлади.

ҲУТ (21.02 — 21.03) ойида туғилганлар учун бу ҳафта аввали бир оз нохушроқ бошланади. Жумладан, омад юришмаслиги, савдонинг тўхтаб қолиши, оилада жанжаллар кўпайиши нохушликлари бор. Лекин аста-секин ишлар юришиб кетиши кутилади. Хусусан, туғри юриб, туғри турилса, ҳамда Аллоҳ Таолонинг амалларини ҳалол адо этиб борилса, иншоаллоҳ, ҳаммаси ўз жойига тушади.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Кундан-кун ишлар ривож топади. Лекин ношаърий ва ножўя ҳаракатлардан сақланиш лозимдир. Уринсиз ҳаёлларга берилмай кўнгилни кенг тутган маъқул, иншоаллоҳ, мурадга етурлар.

Бундан ташқари ҳафта давомида ғойибдан, яъни сафардаги яқинларидан яхши хабарлар етгай.

САВР (22.04 — 20.05) ойида туғилғанлар учун бу ҳафта оддий, доимий кунлардан иборат бўлади. Деярли эсда қоладиган ва ортиқча ҳаяжонга соладиган ишлар бўлмаслиги эҳтимоли қўпроқдир. Яхшиси оилада фарзандлар тарбияси, маънавий камолотини бойитиш билан шуғулланиш кўп манфаатли бўлур. Сафарга чиқиш, тўй ҳашамлар қилиш ҳам, иншоаллоҳ, кунгилдагидек ўтгай. Бу кунларда қариндош-уруғлар билан бориб-келдини мустаҳкамлаш, бемор ёки биродарларининг ҳолидан хабар олиш ҳам кўп савоблидир.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг бехосият келиши кутилур. Шунинг учун деярли барча ишлардан тийилиб турган, қулай фурсат келишини кўтган маъқул. Бу кунларда оила бюджетида бир қанча қийинчиликлар бўлиши, ишхонада ҳам баъзи нохушликлар юз бериши мумкин. Лекин сабр қилиниб кунгилни кенг тутилса, иншоаллоҳ ҳаммаси яхши бўлур. Мазкур ҳафтада ҳаром ишлардан, хусусан, ароқ ичиш, зинокорлик ва ғиғирликлардан қаттиқ сақланиш лозим. Иншоаллоҳ, шундай қилинса юз берадиган нохушликларнинг олди олинур.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг аввалги ярми бехосият, қолгани эса омадли келиши кутилур. Шунинг учун ҳафтанинг аввалида сафарга чиқиш, маросимлар ўтказиш, савдо-сотиқ билан шуғулланиш ва рақбарлар ҳузурига киришдан сақланиб турилса, кўп маъқул бўлур. Бундан ташқари шартномалар тузиш ва янги иш бошлашни ҳам кейинги кунларга қолдирган маъқул. Бу кунларда Аллоҳ Таолонинг барча амаллари адо қилиниб, унинг ўзигагина сиғинилса яхши бўлур. Ҳафтанинг кейинги ярмида юқорида тилга олинган ишларнинг барчасини Аллоҳга таваккал қилиб бошлайверсиш мумкин. Бу кунларда оила бюджетига каттагина маблағ тушиши кутилур.

АСАД (23.07 — 22.08) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омад ҳафтаси булади. Яъни, ният қилиб юрган яхши ишлари рўёбга чиқиши ва ҳавф-хатарлари даф бўлиши эҳтимол қилинур. Хусусан, ишхонада, оилада кунгилли муносабатлар қарор топгай Ҳафта давомида сафарга чиқиш, тўй маросимлари ўтказиш ва шартномалар тузиш мумкин. Мазкур кунларнинг яна ҳам омадли ўтишига ғиғирлик, ғийбат, ҳиянатлардан сақланишлар кафолат бўлур.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойида туғилганлар учун бу ҳафта тула омадли бўлур. Қайси ишга қўл урсалар, иншоаллоҳ, кўзлаган ниятларига етурлар. Хусусан, оилада катта қувончли воқеанинг шоҳиди бўлурлар. Бундан ташқари ҳафта давомида маблағ масаласида ҳам ҳеч бир қийинчилик юз бермас. Ишқ-муҳаббат бобида ишларнинг омади чопгай. Сафарга чиқиш, бошлиқлар ҳузурига кириш, тўй-ҳашамлар ўтказиш ҳамма-ҳаммасй иншоаллоҳ, муваффақиятли тугар.

МЕЗОН. (23.09 — 22.10) ойида туғилганлар учун бу ҳафта бехосият келиши кутилур. Шунинг учун имкон қадар эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Хусусан, ишхонада ўта ширинсўз, муросали ҳамда берилган вазифаларни сидқидилдан бажариш талаб этилурки, акс ҳолда арзимаган баҳолар билан вазифадан ажралиш ва ундан ҳам катта нохушликлар юз бериши мумкин. Савдо-сотиқ ва барча пуллик ишларни ҳафта давомида тўхтатиб туриб, ҳисоб-китоб билан шуғулланиш кўп маъқулдир. Бундан ташқари шартномалар тузишдан сақланиб турмоқ лозим.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойида туғилганлар учун бу ҳафта бехосият келиши кутилур. Хусусан, оила ва ишхонада бир неча нохушликларга рўбарў келиш мумкин. Шу билан бирга бошқа ишларда ҳам оқсоқланиш ва орқага кетиш ҳоллари юз бериши эҳтимол қилинур. Лекин Аллоҳ Таолога ёлвориб, ҳаром ҳариж ишлардан йироқ юрилса, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

ҚАВС (22.11 — 21.12) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги ярми бехосият қолгани эса омадли келиши мумкин. Шунинг учун аввалги кунларда иложи борича бирор жиддий ишга қўл урмай турган маъқул. Хусусан савдо-сотиқ ва сафарга чиқишдан сақланиб туришни маслаҳат берамиз. Бу кунларда иложи борича қўпроқ ҳайрия ишлари билан банд булган маъқул.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиши кутилур. Шунинг учун вақтни саломатликни мустаҳкамлашга ва фарзандлар тарбиясига бағишлашга маслаҳат берилади.

Бундан ташқари, илмли кишилар суҳбатида бўлиш, ота-она, қадрдонларни зиёрат қилиб, уларнинг аҳволларидан хабар олиш ҳам савоб ишлардан ҳисобланур.

Валлоҳу аълам.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

bodomzor B bodomzor

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти, корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, сиз янги йил кечаси ташвишлардан халос бўласиз, болаларни бениҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз. Совғалар яхши аньаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган.

ЮКСАК СИФАТ, АРЗОН НАРХЛАР, АЪЛО БЕЗАК.

Ҳар 40-совға бепул!

©"BVV"

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74

Бизнинг манзил: 700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Йўналиш - САМПИ институти.

«Енгилқурилиш» ЛТД бирлашмасига қарашли Тошкент қурилиш-таъмирлаш бошқармаси 1995 йил 1 декабрдан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 700100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Стахановчи кўчасининг 49-уйида қабул қилинади.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»

устахоналари хизматингизга тайёр!

Тошкент шаҳар «Зангори экран» ҳиссадорлик жамияти барча турдаги телевизор (рангли, оқ-қора)ларни, радиоприёмниклар, магнитафонлар, видеомагнитафонлар, стабилизатор ва трансформаторларни, видеокамера ва антенналарни, болаларнинг денди ўйинчоқ қурилмаларини созлаш буйича, ҳамда автомагнитафонларни ўрнатиш ва таъмирлаш юзасидан аҳолидан буюртмалар қабул қилади.

Созлаш ишлари хонадонларда бажарилса 2 ой муддатли, устахоналарда адо этилса 4 ойлик кафолат чиптаси берилади. Бордию шу муддат ичида бузилиб қолса, бепул созлаб берилиши шарт. Устахоналарда шогирдлар тайёрлаш учун ишлар ўқишга ҳам қабул қилинади.

Мурожаат учун жамиятнинг шаҳар туманларидаги устахоналарининг манзил ва телефонлари қуйидагича:

Акмал Икромов тумани, Фарҳод ярмаркаси, 76-44-52
Чилонзор тумани, Пионер кўчаси, 27-уй, 77-10-73, 77-56-16, 77-27-05.
Сирғали тумани, Дўстлик -2 мавзеси, 58-27-30
Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 85-уй, 55-56-18, 55-84-38
Сапёр кўчаси 6-уй, 55-24-57
Бобур кўчаси 83-уй, 50-51-06, 55-27-78.
Миробод тумани, Кафанов кўчаси 65-уй, 33-57-76, 55-80-00, 55-73-60.
Шу тумандаги ижарага бериш пункти, Фитрат кўчаси 81-уй, 91-56-13.
Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси 111-уй, 97-45-71, 97-38-71.
Мирзо Улуғбек тумани, Черданцева -2, 69-уй, 60-15-74, 60-15-62.
Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/3 маиший хизмат уйи, 46-07-09
Юнусобод тумани, Юнусобод мавзеси, 2 квартал, 7-уй, 21-38-77, 21-45-15, 22-84-93.
Шайҳонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 16-уй, 41-54-23
Бектемир тумани, Водник мавзеси, 8-278-2-17-69

Устахоналар республика вилоятлари ва туманлари аҳолисидан ҳам буюртмалар қабул қилади.

Тошкент шаҳар «Зангори экран» ҳиссадорлик жамияти. Пионер кўчаси 27-уй, тел: 77-83-34.

ДУШАНБА, 20

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
18.20 **«Пул қадри».**
18.40 Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаларининг концерти.
19.15 **Шифокор маслаҳати.**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Футбол шарҳи.
20.20 «Нафосат гулшани». Саодат Ҳайиталиева.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Бандунгдан — Картахенгача». Қўшилмаслик Ҳаракатининг XI конференцияси хусусида Олий Мажлис раисининг ўринбосари Акмал Қосимов билан суҳбат.**
21.55 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.45 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 **«Таҳлил».**
19.10 «Бу бўстон аро...».
19.40 **«5+1».** Ешлар учун кўрсатув.
20.20 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм.
21.40 — 22.10 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гармонь мусиқаси». Телефильм.

*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Телефильм.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Постфактум». Ҳафта мобайнидаги нашрлар шарҳи.
21.35 Эълонлар.
21.40 — 23.20 Видео — «О».

СЕШАНБА, 21

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 У. Гажибеков. «Аршин мол-олон». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Тасвирий санъат.
11.00 Композитор Сайфи Жалил асарлари.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон тарихи.
12.00 «Ешлар билан юзма-юз».
12.40 Немис тили.
13.10 «Кўнгироқча». Тележурнал.
13.40 — 15.40 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».**
18.50 **«Етти иқлим садоси».** Халқаро шарҳ.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**
*
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Ҳуршиди жаҳон келди».** Хоразм халфачилик санъати.
22.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.20 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.05 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.20 «Кинонигоҳ».
22.00 «Теле-ателье-шоу».
22.10 «Табиат дунёси».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Абу-Бакар». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Фармон ва ижро».
20.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Чинсэн».
22.10 — 23.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 22

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
11.00 «Ешлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 «Ассалом, япон тили!».
12.35 «Созимиз—овозимиз». Мусиқий дастур.
13.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
13.35—15.35 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Табиат шайдолари».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри артистларининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Мен ва дунё».**
20.25 **«Нон ва саломатлик».**
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Фарғона вилояти.**
22.05 Эстрада тароналари.
22.25 **«Хотира».** Халқ артисти Наби Раҳимов.
23.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Турон».
23.40 Эълонлар.
23.45 — 24.00 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўй ҳайвонот боғи».
18.55 «Кинотриада».
19.55 «Кувноқ суҳбат».
20.25 «Шоҳсупа сари».
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.55 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Саховат алифбоси». Телефильм.

*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 «Мармар жилоси». Телефильм.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
*
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 23

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Кундузги сеансга иккита билет». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Сизга таъзим». Янгийўл тумани хотин-қизлар фаолиятидан.
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 «Ешлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
12.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
13.00 Ўзбек куйларидан концерт.
13.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз»
14.00 — 15.25 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Фарзанд — умид юлдузи».**
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 **«Буни умр дерлар».** Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **Футбол майдонларида.**
20.35 «Юзма-юз».
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Туркистон — умумий уйимиз».**
22.05 **«Олтин мерос».** Тўхтасин Жалилов.
23.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нодир хазина».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.35 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нарзанлар водийси». Телефильм.

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 «Мокшадаги қўриқхона». Телефильм.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 Эстрада юлдузлари куйлайди.
21.55 — 22.30 «Қиймат ва қиммат».

ЖУМА, 24

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ҳабиб Абдуллаев».
9.30 Немис тили.
10.00 «Яхшиларга эргашиб». Телеочерк.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Андижон вилояти «Олтинсоз» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
12.20 «Ешлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
12.50 — 14.00 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 ЎзТВ хазинасидан. Ў. Ҳошимов. «Инсон садоқати». Телеспектакль. 1-қисм.
19.05 **«Бизнинг интервью».** Ёш аёлларга одоб, ахлоқ мавзуида олимлар, кекса оналар маслаҳатлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Фан фидойилари».** ЎзРФА мухбир аъзоси Раҳима Аминова.
20.40 **«Яна бир интервью».** Оилада эр-какларнинг ўрни ва роли ҳақида.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Волидангни рози қил».** Ахлоқ-одоб ҳақидаги мусиқий дастур.
21.45 «Ўзингни эр билсанг».
22.25 **Спорт таҳририяти кўрсатади:** Бокс. Теннис. Футбол.
23.05 «Ешлик» студияси. **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**
23.45 Эълонлар.
23.50—00.05 **«Ахборот».**

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дунё болалари».
19.00 Ешлар ижро этади. Тошкент Давлат консерваторияси талабалари билан учрашув.
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 «Шаҳар юмушлари».
20.55 **«Саодат» билан учрашув.**
21.25 — 22.40 «Орзуларимиз қанотида». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эзгу ишлар соҳили». Телефильм.

*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
***
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 «Жонли сайёра».
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мульткарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!» Ҳажвий кўрсатув.
21.15 «Америка юлдузлари». Жаҳон киноси юлдузлари ҳақида.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

ШАНБА, 25

ЎзТВ I
7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Автомобилдан сақлан». Бадиий фильм.
10.30 «Саболарда орзу яшар». Мусиқий дастур.
11.00 **«Умр йўллари».** Толиб Йўлдош.
11.35 «Ёдингиздами». Кинокўрсатув.
12.15 «Санъат ғунчалари».
12.45 «Ешлик» студияси. **«Иқбол».** Қизлар беллашуви.
13.45 — 15.45 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам». Маърифий кинодастур.
19.05 **«Салом, ёшлар!»**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Имкон чўққилари».** Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.20 **«Ишингиз бароридан келсин!».**
20.30 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.40 **«Оҳанглар оғушида».** Дам олиш кинодастури.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Юлдузли онлар».** Дам олиш дастури.
22.25 **«Учрашув».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиакбар Нурматов.
23.25 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
10.25 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.50 «Кинонигоҳ».
12.40 «Табиат дунёси».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Менинг кўчам».
19.25 «Коллекция».
20.05 «Кичик дебют».
20.35 «Ҳамкасблар».
21.05—22.35 «Кинематограф».

ЎзТВ III
17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Болалигим ўтган уй». Телефильм.

*
18.20 — 21.40
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 — 00.05 «Интиҳосиз». Бадиий телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Айчурек» (қирғиз тилида).
10.40 «Бағзнен мирас» (татар тилида).
11.20 «Умид» (уйғур тилида).
12.00 «Мусиқий учрашувлар».
12.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
12.55 — 13.50 «Замандас» (қозоқ тилида).
* * *
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Миср киносанъати».
21.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Салом, Франция!».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 — 23.05 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 26

ЎзТВ I
7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий композиция.
11.30 **«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».**
12.10 **«Спортландия» — «Кувноқ старт-лар» меҳмони.**
13.10 **«Кишлоқ ҳаёти».**
14.10—16.10 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар т